

Гиёҳвандлик ва унинг оғир оқибатлари ҳақида кўп гапирилади. Бироқ ҳамма ҳам ўзгалар фожиасидан, тақдирдан тўғри хулоса чиқаришга қодир эмас. Йўқса, кўр-кўрона равишда ўзини тубанлик ботқоғига отувчилар кескин камайган бўларди.

7 бет

Бу гапни эшитган табиркор нима дейишни билмай қолди. Қаршисидаги нафс нағмасига ўйнаётган кишига эътироз қилиш учун оғиз жуфтлади. Аммо унинг қиёфаси "Пулсиз ишингни битириб бермайман", дегандек тураверарди.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган www.huquq-gazeta.uz

2012-йил 13-сентябр, №37 (818)



Замонавий талаблар асосида қурилган «Бунёкор» стадиони юртимиз бўйлаб давом этаётган бунёкорлик ишларининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. «Бунёкор» стадионида спортчилар ва мухлислар учун яратилган шароит ва қулайликлар энг замонавий талабларга жавоб беради. 34 минг ўринли стадион трибуналарида томошабинлар учун мўлжалланган ўринлар пастки ва юқори қаватларга бўлинган. Шунингдек, бу ерда ногиронлар учун мўлжалланган алоҳида сектор мавжуд. Мусобақаларни тўғридан-тўғри эфирга узатувчи теле ва радиотрансляция тизими, шарҳловчилар хонаси ҳаққаро стандартлар даражасида. Ёритиш ускуналари ФИФА талабларига тўла мос келади.

Табир

Огоҳлик — давр талаби

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасида "Глобаллашув жараёнида маънавий таҳдидлар ҳамда ахборот хуружларининг жамият ва ижтимоий-сиёсий ҳаётга таъсири" мавзусида семинар ўтказилди. Таъбирда Мулофаз вазирлигининг Маънавият-маърифат маркази ва Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ходимлари ҳамда сиёсий шарҳловчилар иштирок этдилар.

Табирда Республика Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия подполковниги Б.Қудратходжаев очди, сўнгра кун тартибидagi маърузалар тингланди.

— Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тўс олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, ҳақолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмокда, — дейди Ўзбекистон миллий телерадиокoммуникациясининг сиёсий шарҳловчиси, Халқаро антик дунё илмий академияси академиги Қобилбек Қаримбеков. — Демак, бугунги замоннинг ўзи воқеалик очик кўз билан, теран ва чуқур мушоҳада юритган ҳолда назар ташлашни, ҳушёр қарашни, ҳақонда ва ён-атрофимизда тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабақларни чиқариб яшашни талаб этмокда. Шу боис юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгиди мураккаб ва таҳликали ҳаёт,

дунё ва минтақамизда, хусусан, давлатимизда рўй бераётган турли воқеа-ҳодисалар, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар ҳақида бирёклама ва сохта тасаввур пайдо бўлмаслигига эришиш масаласи ниҳоятда долзарб саналади.

— Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётига хавф тудирадиган мафкурaviй таҳдидлар қаторида тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга, маънавий қадриятлардан йироқлаштиришга бўлган уринишларни тилга олиш мумкин, — дейди Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбарининг ўринбосари Шавкат Тўраев. — Халқимизни турли ғовий таҳдидлардан асраш, айниқса, ёшларда мафкурaviй иммунитет ҳосил қилиш ва уни янада мустаҳкамлаш, турли воситалар орқали қадриятларимиз ва миллий анъаналаримиз, менталитетимизга ёт бўлган тушунча ва ғояларнинг кириб келиши ва тарқалишига тўқинлик қилиш барчамизнинг бурчимиздир. Нафақат юртимизда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида ушбу муаммонинг ечимига катта куч сарфланаётгани ҳам унинг нақадар кенг камровли ва аҳамиятли эканлигидан далolat беради.

Энг ачинарлиси, кўпинча, ҳаётий тажрибаси ва билими

А.ХОЛБОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

кам, дунё воқеаларидан беҳабар ёки нотўғри, ишончсиз маълумотларга эга, шахсий нуктаи назари ва қараш шаклланиб улгурмаган ёшлар ахборот ва мафкурaviй курашлар таъсирига тушадилар ва таъбир жоиз бўлса, бундай қарама-қаршиликлар курбонига айланадилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўғил-қиз онгига аввало, унинг фуқаро сифатидаги вазифалари, касби ва сафдошлари, Ватани ва оиласи олдидаги масъулият ҳиссини сингдиришга, уларни инсонпарварлик ва она юртва сadoқат руҳида тарбиялашга устувор вазифа сифатида қарашимиз давлатимиз келажиги бўлмиш ёшларни оёққа тургазиш, катта ҳаётга тайёрлашдаги асосий вазифалардан биридир.

Ёшларимиз онгиди мафкурaviй бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, уларда ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш таъбирдан қўзланган асосий мақсадлардан эканлиги таъкидланди. Бу борада самардорликка эришиш учун эса уларда урф-одат, анъана ва қадриятларимиз, буюк алома-ю фузалар, саркардалар фаолияти, узоқ тарихимизда акс этувчи миллий-маънавий меросимизга нисбатан фахру ғурур ҳиссини, ватанпарварлик ва сadoқат туйғуларини камол топтириш, шакллантириш ва кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Адолат тамойиллари асосида

Жараён

Қонун устуворлиги — ҳуқуқий давлатнинг асосий принципи бўлиб, бу тамойил инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда эса прокуратура органлари алоҳида ўрин тутади. Бухоро шаҳар прокуратураси томонидан "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари, ҳайъат қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат идоралари билан ҳамкорликда ҳудудда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Иқтисодий олохотларни чуқурлаштиришга доир қабул қилинган Фармон ва қарорлар талабларидан келиб чиқадиган устувор вазифалар асосида тегишли ва таҳлиллар ўтказилиб, қонунбузилишларини бартараф этиш, ғайриқонуний ҳаракатлар оқибатида етказилган зарарларни ўндириш чоралари кўрилаяпти ва қонунбузилишига йўл қўйган шахслар-

га нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлла-ниб келинмокда. Утган 6 ой мобайнида шаҳар ҳудудидаги бюджет муассасалари ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотларда қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 16 та текшириш натижасига кўра, 890 та қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш ва қонун талабига мувофиқлаштириш тўғрисида протестлар киритилди. Қонунбузилиши ҳолатларини бартараф қилиш ҳақида тегишли корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарларига 38 та таъдиминома киритилиб, уларнинг муҳокамасида прокуратура ходимларининг тўлиқ иштирок этиши таъминланди. Шунингдек, текширишлар натижасига кўра, 210 нафар шахс интизомий, 277 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Шаҳар прокуратурасининг аралашуви билан 9 млн. 604 минг сўмлик зарар ихтиёрий равишда ўндирилди. Ғайриқонуний қилишлар натижасида давлат ва фуқароларнинг манфаатларига етказилган моддий зарарларни ўндириш бўйича 1 млрд. 364 млн. 652 минг сўмини ўндириш ҳақида судларга 75 та даъво аризалари киритилди ва 4 та ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатиildi.

[Давоми 3-бетда]

Миллий Матбуот марказида Адлия вазирлиги томонидан «Lex.uz — қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий тизимининг янги имкониятлари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Янги имкониятлар

Табирда парламент, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ҳамда босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Анжуманда маъруза қилган Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Е.Қанъязов «Lex.uz» тизимининг яратилишидан бугунги кунгача уни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар хусусида сўзлаб берди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги "Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирларини тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорларига мувофиқ, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (ҚММБ)да интернет тармоғининг "Lex.uz" сайти орқали бепул фойдаланиш имкониятлари жорий этилганлиги алоҳида таъкидланди.

Анжуманда сўзга чиққанлар "Lex.uz" миллий тизимининг мақсади, юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланишини таъминлаш орқали аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш, шу жумладан, унда ўзбек ва рус тилларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1990 йилдан ҳозирги кунга қадар республикамизда қабул қилинган қонунлар, кодекслар, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Президент Фармонлари, Қарорлари ва Фармойишлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлари, Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжаик судлари қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома-лар билан танишиш имконияти борлиги эътироз этилди.

Ўз мухбири

Мамлакатимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хусусий тармоқнинг жадал ривожланиши, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кўпайтиришни таъминлаш, кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасида кенг қўлмали ишлар олиб борилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, бутун давлат органларининг тадбиркорлик фаолиятига аралашуви янада чекланди. Солиқ тизими такомиллашиб, тадбиркорларнинг имтиёзлари кўпайтирилмоқда, ҳўжалик субъектларига қўлланиладиган жазо чоралари қайта кўриб чиқилмоқда.

Мурожаатлар қаноатлантирилди

Насим АХМЕДОВ,
Ғиждувон туман прокурори

Кичик бизнес субъектларига ҳуқуқий жиҳатдан қўмлаштириш, мавжуд муаммоларини бартараф қилиш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда турли бюрократик тўсиқлардан ҳимоя қилиш прокуратура органларининг ҳам асосий вазифаларидан бирига айланган.

Ғиждувон туман прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига қонунсиз аралашувларнинг олдини олиш ҳамда текширишларни кескин қайта қилиш мақсадида қабул қилинган Президент Фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш мақсадида учрашувлар ташкил қилинмоқда, билдирилган муаммолар жойларда ҳал этилмоқда.

Прокуратура тизимида ташкил этилган "007" рақамли ишонч телефонлари орқали бўлаётган мурожаатлар мавжуд муаммоларни зудлик билан бартараф этиш имконини бермоқда. Масалан, ишонч телефони орқали боғланган М.Бафоева балиқчилик фермер ҳўжалигини, "БЭМ ЭКО Курилиш" МЧЖ раҳбари Э.Бобоев эса қўнғилик фермер ҳўжалигини ташкил этишда амалий ёрдам сўрашган. Ҳар иккала мурожаат қаноатлантирилди.

Тадбиркорлар томонидан бўлаётган ёзма мурожаатларнинг ҳам қисқа фурсатда ўрганилишига алоҳида эътибор билан ёндашилаётимиз. Жумла-

дан, тумандаги "Гўзал текст" хусусий корхонаси директори ўринбосари Е.Нурғишевнинг "Ғиждувонматлуботсавдо" ширкати билан 2008 йил 27 февралда тузилган шартномага асосан 5 миллион сўмлик қийматдаги кичик ишлаб чиқариш технологиялари етказиб берилгани учун тўлашни пайсалга солиниб келинаётган пулларни ўндиришни сўраб ёзган аризаси юзасидан қарздор корхонадан қарзлар ўндириб берилган.

Тадбиркор Г.Жўраева ҳўнармандчиликни ривожлантириш учун банк томонидан кредит берилмаганлигидан норози бўлиб ариза ёзган. Туман прокуратураси аризани ўрганиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун Г.Жўраевага 16 миллион сўм миқдорда кредит олиб берди.

Хусусий тадбиркор Б.Раҳимованинг ДСИ ҳодимлари томонидан 745 минг сўм пуллари ўзлаштирилганлиги ҳолати юзасидан қилган мурожаати бўйича эса ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ақунларига кўра жиноят содир этган шахсларга нисбатан айб эълон қилиниб, судга юборилган.

Туман прокуратураси тадбиркорлик субъектларини доимо қўллаб-қувватлаб, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини мунтазам равишда ҳимоя қилиб боради.

Доимий эътиборда

Вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунал ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг 2-банди талабларидан келиб чиққан ҳолда, ерлардан мақсади ва асраб-авайлаб фойдаланаётган, уларнинг унумдорлигини сақлаётган ҳамда экология нормаларига риоя этилишини таъминлаб келаётган фермер ҳамда деҳқон ҳўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси доимий таъминланиб келинмоқда. Жумладан, вилоят прокуратураси органлари томонидан 2012 йилнинг ўтган 6 ойида фермер ҳўжаликлари 322,2 тонна минерал ўғит, 14,05 тонна ёқилғи-мойлаш материаллари, 0,6 тонна уруғлик чигит, 0,2 тонна уруғлик бугдой, 15 тонна омухта ем, 8 дона қишлоқ ҳўжалик техникалари, 12 млн. сўмлик эътиёт қисмлар, 10,6 млн. сўм нақд пул маблағи, 972,9 млн. сўм иш ҳақи олинган ҳамда 20,9 млн. сўмлик банк кредити ажратирилишига, 4,4 млн. сўмлик дебитор қарздорликнинг ўндирилишига амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Худди шунингдек, вилоят прокуратурасининг аралашуви билан чигит экиш мавсумига қатнашган ишчи-ҳодимларга жами 964 млн. сўмлик иш ҳақларининг тўлаб берилиши таъминланди. Навбахор туман прокуратураси томонидан "Хонтакт" фермер ҳўжалигига 3,5 тонна, "Хосилобод ун" фермер ҳўжалигига 3,4 тонна ва "Ахророта" фермер ҳўжалигига 3 тонна минерал ўғит олиб берилган.

Хатирчи туман прокуратураси томонидан тумандаги "Сиддик бобо", "Омонтош Нарзуллаев" ва "Очил бобо 2000" фермер ҳўжаликлари "Агробанк"нинг туман бўлимининг имтиёзли кредит маблағларидан 8 млн. 964 минг сўм олинганлиги, Кармана туман прокуратураси томонидан "Шахноза" фермер ҳўжалигининг "МХ-140" русумли ҳайдов тракторига "Ўзкейсерс" МЧЖдан 2 млн. сўмлик эътиёт қисмлари олиб берилишига ҳамда "Аслиддин Асадбек" фермер ҳўжалигининг "МТЗ-80" русумли ҳайдов тракторига 2 млн. 550 минг сўмлик 2 дона шина олиб берилишига амалий ёрдам берилди.

Назорат тадбирлари давомида ҳўқимликлар ва бошқа мутасадди идоралар томонидан ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер ҳўжаликларига ажратилиши лозим бўлган бюджет маблағларининг ноқонуний ҳисобланишига ва тўланишига йўл қўйилганлиги аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Жумладан, Навбахор туман ерларни ҳўжаликлар бўйича сифат жиҳатидан баҳолаш комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги "Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эътиёжлари учун қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер ҳўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига зид равишда 17 та фермер ҳўжаликларининг тупроқ балл бонитетлари қайта текшириб кўрсатилиши оқибатида 7 млн. 869 минг сўм ортқича тўланганлиги ҳамда 2011 йилда ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эътиёжлари учун пахта хомашёсини етиштирган 8 та фермер ҳўжаликларининг тупроқ балл бонитети кўтаб кўрсатилиши оқибатида

Содиқжон ЖўРАЕВ,
Навий вилоят прокуратураси бўлим прокурори

11 млн. 730 минг сўм кам ҳисоблаб тўланганлиги натижасида давлат ва фермер ҳўжаликларининг манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилганлиги аниқланиб, вилоят прокуратураси томонидан 2012 йил 3 апрелда ўшбу комиссия мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган ва тергов натижаларига кўра жиноят иши судга юборилиб, суд ҳўқми билан жазонинг муқаррарлиги таъминланган.

Шунингдек, "Қишлоқ ҳўжаликкимё" ХАЖнинг Конимех туман филиали мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги "Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилан тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори талабларига зид равишда минерал ўғитларнинг нархларига 21 фоиз савдо устамаси қўлланилишидан ташқари, асоссиз равишда 6 фоиз қўшимча устама ҳисобланганлиги натижасида туманда фаолият кўрсатаётган 42 та фермер ҳўжаликлари 24,028 млн. сўм миқдордаги маблағларни ноқонуний равишда олишганлиги аниқланиб, мазкур ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси томонидан 2012 йил 12 июнда ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳўқми билан жазо муқаррарлиги таъминланган.

Келгусида ҳам фермер ва деҳқон ҳўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги назорат тадбирлари давом эттириб борилади.

Қилмиши ошкор бўлди

Мамлакатимизда тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шунга асосан тадбиркорлик янада ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига шариоатлар яратиш борасида бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди.

СВОЖДЛКК Департаментининг Қўрғонтепа туман бўлими томонидан юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, асосий эътибор тадбиркорлик субъектлари билан профилактика ва тушунтириш ишларини ўтказиш йўли билан улар фаолиятига ноқонуний аралашувлар ёки турли назорат ва банк муассасалари томонидан тамагирик ҳолатлари содир этилган тақдирда ишонч телефонлари орқали ёки бевосита Департамент идораларига ташриф буюриб мурожаат этишлари мумкинлиги тўғрисида тушунтиришга қаратилмоқда.

Яқинда тумандаги "Сардор фазл беминнат" МЧЖ раҳбар ҳодимларидан банкдаги ҳисоб рақамини мавжуд бўлган пул маблағлари уларнинг розилигисиз бошқа субъектларга ўтказиб юборилганлиги тўғрисида мурожаат келиб тушди. Мазкур мурожаатга асосан ўтказилган тезкор-таҳлилий ўрганишлар натижасида тумандаги "Қишлоққурилишбанк" филиали мансабдор шахслари ва бошқаларнинг жинояти фоти этилди.

Ўрганишлар давомида аниқланишича, ту-

Беҳзодбек АБДУРАХИМОВ,
СВОЖДЛКК Департаментининг
Қўрғонтепа туман бўлими бошлиғи

мандаги "Хусусий савдо дўконлари уюшмаси" корхонаси раҳбари А.Абдуқаҳоров 2010 йилнинг декабрь ойида ОАТБ "Қишлоққурилишбанк" Қўрғонтепа туман филиалидан 50 млн. сўм миқдорда кредит маблағларини 2011 йил 31 декабрь кунига қадар қайтариш шарти билан олиб, кредит ҳисобидан озик-овқат маҳсулотлари сотиб олган. Лекин саводдан тушган 22 млн. сўм нақд пулларни банкка топширмасдан шахсий манфаатларига сарфлаб юборди. Кредитни қайтариш пайти келганда эса банк мансабдор шахслари билан ўзаро жиноий тил бириктиради. 2011 йилнинг 31 декабрь кунига "Сардор фазл беминнат" МЧЖ раҳбарларининг розилигини олмасдан, банк мансабдор шахслари сохта тўлов топшириқномасига асосан жамиятнинг 26,7 млн. сўм пул маблағларини "Хусусий савдо дўконлари уюшмаси" корхонасининг кредит қарздорлигини қоплаш учун ўтказишди.

Мазкур ҳолат бўйича бўлим томонидан "Хусусий савдо дўконлари уюшмаси" корхонаси ва филиал мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкин, ҳар қандай ноқонуний иш бир кун келиб фоти этилмасдан қолмайди ва албатта, айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррар дид.

Ходим ишга келмаса, маош оладими?

Илхом НЕҒМАТОВ,
СВОЖДЛКК Департаментининг Самарқанд вилоят бошқармаси катта инспектори

Бу саволга Самарқанд шаҳридаги поликлиникалардан бирининг бош шифокори Насиба Халимова (исм-фамилиялар ўзгартирилган), Газначи Сурайё Хуррамова ҳамда бош ҳамшира Камола Нодировалар «ҳа» деб жавоб бериши мумкин.

Тушунарли бўлиши учун воқеага атрофича тўхталамиз. Мазкур шифохонада ҳамшира вазифасида ишловчи Ш.Саломова ўтган йилнинг октябр ойида Украина давлатига чиқиб кетган бўлса, шифокор лавозимини ишлаб келаётган О.Иванова ҳам 2011 йилнинг 1 июнида Москва шаҳрига кетган. Аммо орадан шунча вақт ўтса ҳамки, бу икки ходимнинг ишга келмаётганидан шифохонанинг масъул шахслари беҳад экан. Асосийси, шунча вақтдан буюн ишга умуман келмаса-да, ҳужжатларда "ишга келди", деб ёзилиб, ойлик маошлари олиनावерибди. Аслида, шифохонада кечаётган иш жараёни, ходимларнинг ишга келиб-кейтиш ҳолати бу учала мансабдор шахсларнинг эътиборидан четда бўлмайди, албатта.

Яънийки, СВОЖДЛКК Департаментининг Самарқанд вилоят бошқармаси ҳамда вилоятдаги назорат-тафтиш бошқармаси ходимлари томонидан текшириш ўтказилиб, ноқонуний ҳолатга вақтида чек қўйилди. Бўлмаса шифохона мансабдор шахслари хали ҳам бу икки ходимни "ишлаяпти", деб қоравишармиди?!

Текшириш давомида ҳамшира Ш.Саломова ҳамда шифокор О.Ивановалар ишдан кетсалар-да, уларга ишдан бўлатиш ҳақида буйруқ чиқарилмагани аниқланди. Иш ҳақи тўғрисидаги жадалларга сохта маълумотлар киритган ҳолда 2012 йил февраль ойига қадар маошлари ёзиб борилаверган. Оқибатда, 4 млн.804 минг 374 сўм пул маблағлари ўзлаштириш йўли билан талон-тороқ қилинган.

Жиноятга жазо муқаррар. Айбдорлар Насиба Халимова, Камола Нодирова, Сурайё Хуррамоваларнинг ҳар бири бир йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда бир йил муддатга ахлоқ тузатиш жазосини олди.

Адолат тамойиллари асосида

/Давоми.
Бошланиши 1-бетда/

Собир УМАРОВ,
Бухоро шаҳар прокурори

Бош прокуратура ташаббуси асосида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ташкил этилган "Ишонч телефонлари"га бўлаётган мурожаатлар ҳам назоратга олинган. Жумладан, ўтган даврда хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи 11 нафар фуқародан келиб тушган мурожаатларнинг 4 таси қаноатлантирилиб, 4 таси тегишлилиги бўйича жойларга юборилган. Хусусан, хусусий тадбиркор Б.Қаюмовнинг шаҳар электр таъминоти корхонаси маъмуриятининг ноқонуний хатти-ҳаракати юзасидан қилган мурожаати асосида текшириш ўтказилди ва корхона бош ҳисобчиси Ж.Рўзиев хусусий тадбиркор томонидан тўланган пулларни бошқа абонентнинг ҳисобига ўтказганлиги аниқланди. Текшириш ақуларига кўра, Ж.Рўзиевга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

"Хунарманд уюшмаси" Бухоро шаҳар бўлими аъзоси, тадбиркор Г.Ражабовнинг хабари юзасидан ўтказилган текшириш бўлими Бухоро шаҳар Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Б.Эргашев ва бош ҳисобчи Т.Музаффаров "Хунарманд уюшмаси" Бухоро шаҳар бўлимига юборилган 3 нафар касб ўргатувчи уста ва 15 нафар касбга ўқитилаётган фуқарога 1 млн. 895 минг 245 сўмлик иш ҳақи ва стипендия тўловларини тўлаш чораларини кўрмасдан келганликлари аён бўлди. Директор ва бош ҳисобчига нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, иш ҳақи ва стипендияларни ундириш бўйича Бухоро шаҳар судига ариза киритилди.

Бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу боис, шаҳар прокуратураси томонидан маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинларида "Аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик, рақобатни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш


худудий дастурлари" қабул қилинган бўлиб, унга кўра, шаҳар прокуратураси, Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими Кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими билан ҳамкорликда 5 маротаба иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилди. Шаҳардаги 201 та корхона 3812 та бўш иш ўринлари билан қатнашган мазкур ярмаркаларда 1201 нафардан зиёд фуқаро иштирок этиб, уларнинг 215 нафарига ишга жойлашиш бўйича йўлланмалар берилди. 153 нафари эса муқим иш ўрнига эга бўлди.

Бундан ташқари, шаҳар прокуратураси томонидан иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига қаратилган қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилган мониторинглар натижасига кўра, 26 нафар шахсга нисбатан интизомий ва 34 нафарига маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди. Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминламаган корхона ва ташкилотларга нисбатан судга 43 та ариза киритилиб, уларнинг қўрилиши ва тўланмаган иш ҳақининг ундирилиши таъминланди. Жумладан, виллоят кўз касалликлари шифохонасида ўтказилган текширишлар давомида шифохона мансабдорлари томонидан 2010-2011 йиллар мобайнида ходимларнинг иш ҳақлари, касаллик варақаси тўловлари ва бошқа тўловларнинг нотўғри ҳисоблангани ва тўланиш оқибатида жами 12 млн. 896 минг сўмлик бюджет маблағи қонунга хилоф равишда сарфланган, давлат манфаатига кўп миқдорда моддий зарар етказилганлиги маълум бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Шунингдек, "Бухоро" меҳмонхонаси мажмуасида қайд қилинган қарор талаблари ўрганилганда, мажмуа раҳбари Р.Турдиев ҳамда бош ҳисобчи И.Нагаевлар корхонада ишловчи 153 нафар ишчи-ҳодимларнинг 2011 йил ва 2012 йил январь-февраль ойлари учун тўланиши лозим бўлган 265 млн. 872,8 минг сўм миқдордаги иш ҳақларини 2012 йилнинг мартига қадар тўлаш чораларини кўрмаганликлари аниқланди. Ишчиларнинг иш ҳақларини ундириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Бухоро шаҳар судига ариза киритилиб, уларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Обод юртга тўкинлик ярашади

Шавкат АЧИЛОВ,
Самарқанд туман прокурори



Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрига шундоқ туташиб кетган Самарқанд тумани ўзининг ширмой нонари, сархил мевалари, ғарқ пишган боғлари-ю, полиз экинлари, уста-хунарманлари-ю, бугунги кунда жадал ривожланиб келаётган саноат корхоналари билан маълум-у машҳур. Миришкор деҳқонларнинг заҳмати меҳнати туфайли етиштирилган сархил олма, ўрик, анор, анжир ва тилими тилани ёрдиган қовун-тарвузлари нафақат вилоятимизнинг, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларига пешмаш пеш етказиб берилмоқда.

Самарқанд тумани фақат миришкор бобо-деҳқонлари билан эмас, балки ишбилармон ва тадбиркор кишилари билан ҳам фахрлана олади. Бугунги кунда виллоят саноатида салмоқли ўрин тутувчи қўллаб-қувватлаш маркази айнан шу маконда равақ топаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, "Стеклопластик" МЧЖ, "СамРосХолод" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, "Самарқанд парранда", "Оҳалик Ломан парранда" каби қўллаб-қувватлаш марказлари муваффақиятлари билан ҳар қанча мактана олади. Мазкур ишлаб чиқариш корхоналарининг кўпайиши туман иқтисодиётининг оқсалишига ҳисса қўшиши баробарида қўллаб-янгиларнинг очилишига замин яратаяпти.

Самарқанд туман прокуратураси томонидан ҳам тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш, қонуний манфаатларининг ҳимояси бурчларимиздан бири саналади. Бугунги кунда туманда жами тадбиркорлик субъектлари сони 3390 тани ташкил қилади. Шундан 547 таси фермер хўжаликлари, 1330 таси МЧЖ ва хусусий корхоналар, 1573 таси яқка тартибдаги тадбиркорлардир.

Йилнинг шу давригача 53 та корхона давлат рўйхатидан ўтказилди. Мазкур корхоналар ҳисобидан 159 та янги иш ўринлари яратилди. 81 та корхона уставларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиши натижасида қайта рўйхатдан ўтказилиб, улар ҳисобидан 245 та иш ўринлари ташкил этилди. Шунингдек, туманимизда 91 та яқка тартибдаги тадбиркорлар қайта рўйхатдан ўтказилди. Улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш натижасида 792 та янги иш ўринлари яратилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида туман прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектлари билан 12 марта уchrashувлар ўтказилди. Шу билан биргаликда, туман прокуратурасида алоҳида "Тадбиркорлар хонаси" ташкил этилган. Бу хона замон талаблари асосида жиҳозланган бўлиб, ундан Юртбошимизнинг соҳага оид Қарорлари, Фармонлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг стэнд ва плакат шакллари ҳам жой олган. Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган қонунлар, тур-

ли кўринишдаги ишлаб чиқариш ва бошқа турдаги фаолиятлардан олинган намуналар буклет ва турли журнал шаклларида ишлаб чиқилган. Тадбиркорларга янада кенг-роқ имконият бериш учун ҳамда қонуний манфаатларини қўллаб, бевосита улар билан жонли мулоқот қилишнинг барча усуллари ташкил этилган.

Самарқанд туман прокуратураси биносига виллоят прокуратурасининг "Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш маркази" ташкил этилган.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолиятида асосий эътибор тадбиркорлик тузилмалари вакиллари билан жойларда учрашувлар ўтказиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини тушунириш ва тарғибот қилишга қаратилган. Бундан ташқари, тадбиркорларни қабул қилиш хонаси ташкил этилган, унда интернет тармоғига уланган замонавий компьютерлар ўрнатилган бўлиб, тадбиркорларнинг янгиликлардан бохабар бўлишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Жорий йилнинг ўтган даврида 3 нафар тадбиркордан мурожаат келиб тушган бўлиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, Самарқанд туман ҳокимининг 2012 йил 28 апрель кунги қарорига асосан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи Ф.Султоновага туманининг "Навобод" маҳалласи "Мароқанд агротехсервис" ММТП ер харитасининг 748-контурдан савдо ва маъшият хизмат кўрсатиш шохбаси қуриш учун 0,07 га ер майдони ажратилган. Бу ер Қ.Фахриев томонидан ҳеч қандай ҳужжатсиз, ўзбошимчилик билан эгаллаб олинди, қурилиш ишлари олиб борилаётганлиги аниқланди. Фуқаро Қ.Фахриев томонидан ўзбошимчилик билан қурилган бетон пойдеворни бузиш ва ер майдонини хусусий тадбиркор Ф.Султоновага қайтариш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Тайлоқ туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Қ.Фахриевга нисбатан маъмурий жавобгарликка оид иш қўзғатилиб, қўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича Самарқанд туман судига юборилди.

Самарқанд туманида 3 та, Ўзбекистон-Германия ОАТ "Савдогар банк"нинг Улугбек

филиали, ОАТБ "Агробанк"нинг "Гулобод" филиали, ДТ "Халқ банки" Самарқанд филиаллари фаолият кўрсатиб келмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ушбу банклар томонидан тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини очиш мақсадида тадбиркорлик субъектларига жами 890,3 млн. сўмдан ортқ кредитлар ажратилди.

Туманининг тоғли ҳудудларида томчилаб сўғориладиган интенсив боғларнинг ташкил этилиши муҳим воқеалардан бири бўлди, десак муболага бўлмайди. "Оҳалик олтин боғи" фермер хўжалиги шу мақсадда ташкил этилди ва 85 та иш ўринлари яратилди. Ушбу 527 гектар майдондаги боғга томчилаб сўғориш ускуналарни тўлиқ ўрнатилган. Шундан жорий йилнинг ўтган даврида 120 гектар ер майдонига Польша давлатидан келтирилган кўчатлар экилиб, интенсив боғлар ташкил этилди.

Шу билан биргаликда, туманда "Стеклопластик" МЧЖ-да пластик материаллар ва жиҳозлар ишлаб чиқариш йўналишида 67 та, "СамРосХолод" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш музлатилганин ишга тушириш ҳисобига 35 та, "Самарқанд гуллари" МЧЖ, "Ангар Олмос савдо барака" МЧЖ, "Азия Био микс продукт" МЧЖларда 10 тадан, "Регистон Престиж плюс" МЧЖда 50 та, "Архидея Мираж" МЧЖда 20 та, "МАК" МЧЖда 70 та ҳамда "Гулобод ёғоч бозори" МЧЖларда 120 та иш жойлари ташкил қилинди. Бу иш ўринларига ишсизлар ва касб-хунар коллежлари битирувчилари жойлаштирилиб, уларнинг бандлиги таъминланди.

Тумандаги ишламасдан турган "Парвина-М" МЧЖ қўшма корхонаси негизда "Самарқанд Агро Муз" корхонаси ташкил этилиб, корхона фаолияти қайта тикланди ва 15 та иш ўринлари яратилди.

Фермер хўжаликларида паррандачиликни ривожлантириш ва аҳолини пархезбоп товуқ гўшти ва тухум билан таъминлаш мақсадида "Амон-бобо" фермер хўжалиги, "Самарқанд парранда", "Оҳалик Ломан парранда", "Чўпон ота парранда", "Кўхи пур нур", "Чашма танин" ҳамда "Насиба парранда" қишлоқ хўжалик корхоналари иш фаолияти ривожлантирилди. Натижада қўшимча 277 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Муҳтасар қилиб айтганда, туманининг ҳар бир кишига ю гузари табиат инъомидан баҳра олиб, гулистонга, чаманзорга айланмоқда. Одамлар қалбида бугун ва эртанги кунга ишонч мужассам. Маҳалла-гузарларда, дала ва боғ-роғларда ободончилик, яратувчанлик ишлари авжида. Демак, тобора тилга тушиб бораётган Самарқанд тумани яшарлиқ, ўзгарлиқ ва янаша даврини яна давом эттираётир.

Бахтиёр юрт фарзандлари уларга барчанинг ҳаваси келсин

Жамиятни маънан соғлом, иқтидорли, одамийлиги бор инсонлар юксалтиради. Муҳитнинг софлиги ва барқарор бўлишини улар таъминлайди. Шу сабаб истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёш авлод таълим-тарбияси, ҳунар ўрганиши масаласига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Бугун фарзандларимиз орасида билим, санъат ва спорт бўйича ифтихоримизга айланб улгурганлар кўпчилиги ташкил этади.



Фарзандларимизнинг етарли даражада билим олишлари, уларнинг шароитлари, назоратсиз қолмасликларини назорат қилиш, керак бўлса, уларга ёрдам бериш бизнинг бош вазифамиз саналади.

Жиззах вилоят прокуратураси органлари томонидан "Таълим тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонунлар ижроси, шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолияти устидан прокурор назорати самардорлигини янада кучайтириш борасида тегишли тadbирлар ўтказилмоқда. Вояга етмаганлар ўртасида гайриқонун ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Ўқувчиларнинг қобилияти ва кўникмаси, касб-ҳунарни ўрганишга бўлган қизиқишини ҳисобга олган ҳолда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги таълим йўналишини танлашга кўмакла-

шиш, ўқувчиларнинг даволати ва фанларни ўзлаштириш даражасини ошириш, уларни турли тўғараклар ва спорт машғулотларига жалб қилиш борасидаги ишларнинг аҳоли ҳар томонлама ўрганиб боришмоқда.

Ҳозирда вилоятда 548 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларда 18 616 нафар педагог ходимлар ўқувчиларга таълим беради. 75 та касб-ҳунар коллежи ва 4 та академик лицей ёшларимизни ўз бағрига олган. Коллежларда 58 933 нафар, академик лицейларда 3 796 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан 9-синф битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб этилиши, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг иш билан таъминланиши юзасидан назорат тadbирлари ўтказилиши жараёнида бу борада қонунбузилишлар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан қатъий чоралар кўрилмоқда. Хусусан, Фориш туман прокуратураси томонидан 9-синф битирувчиларининг таълимга тўлиқ жалб этилиши юзасидан халқ таълими муассасалари томонидан берилган ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги

ўрганиб чиқилганда, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг ҳисоботида 1-умумтаълим мактабининг 9-синфини 82 нафар, 32-умумтаълим мактабида 9 нафар ўқувчилар битириб, уларнинг барчаси ҳужжатларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига топширилганлиги қайд этилган. 1-умумтаълим мактаби битирувчиси Дилдора Қўзибоева ва 32-мактаб битирувчиси Мужгона Тилаковаларнинг ҳужжатлари таълимнинг кейинги босқичига топширилмасдан қолганлиги аниқланган. Д.Қўзибоева ва М.Тилакова ҳамда уларнинг ота-оналари туман прокуратурасига таклиф этилиб, нима сабабдан уларнинг ҳужжатлари топширилмаганлиги ўрганилганда, Д.Қўзибоева Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежига, М.Тилакова Самарқанд Давлат университети қошидаги академик лицейга ўқишга кириш истагини билдириб, бу ҳақдаги ҳужжатларини тўлаб мактаб маъмуриятига тақдим этганликларини, лекин нима сабабдан ҳужжатлари мактаб маъмурияти томонидан қўрилмаганлигини билмасликларини баён этган.

Абдуазиз НАЗАРОВ,
Жиззах вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

лар. Текшириш натижасига кўра, 9-синф битирувчилари Д.Қўзибоева ва М.Тилаковаларнинг ҳужжатлари улар ўқиш истагини билдирган таълим муассасаларига топширилиб, ушбу мактабларнинг бунга масъул ходимларига нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди.

Янгибод туман прокуратураси томонидан касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг дарсларга, ўқув машғулотлари ҳамда ишлаб чиқариш амалиётига мунтазам қатнашишларининг таъминланиши устидан назорат тadbирлари давом эттирилиб, агроиктисодиёт касб-ҳунар коллежнинг дарс машғулотларига қатнашмаган ўқувчиларнинг ота-оналарига нисбатан қонуний чоралар кўрилиши таъминланган. Жумладан, коллежнинг "Қишлоқ хўжалик машиналарига техник хизмат кўрсатиш" йўналиши 1-босқич ўқувчиси М.Мухторов дарс машғулотларига мунтазам қатнашмасдан, ўзри сабабларсиз 844 соат дарс қолдирган. Унинг отаси М.Холматов фар-

зандига таълим-тарбия бериш борасидаги мажбуриятини бажармаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган.

Худди шундай, мазкур коллежда ўқиш лозим бўлган вояга етмаган фарзандларининг таълим олиши борасидаги мажбуриятларини бажармаган фуқаролар Ш.Маҳкамов, И.Усмонов, Э.Сафаров, О.Гулмуродов, А.Тўйчиев, Г.Максудова, Л.Боботоев, Б.Мамадиев, М.Холматов ва Д.Турдикуловларга нисбатан ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Фаллаорол туманидаги 44-умумтаълим мактабининг 9-синф битирувчиси О.Абдураимовнинг ҳужжатлари Фаллаорол саноат касб-ҳунар коллежига топширилган. Туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда уни ота-онаси турмушга бераётганлиги аниқланди. Вояга етмаган О.Абдураимов ва унинг онаси М.Яхшиликвалар туман прокуратурасига таклиф этилиб, уларга таълимнинг кейинги босқичида ўқиш мажбурий эканлиги, ёш қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш зарурлиги, вояга етмаган фарзандига таълим бериш мажбуриятини бажармаганлиги учун МЖТКнинг 47-моддаси билан маъмурий жазо белгиланганлиги тушунтирилиб, М.Яхшиликва расман огоҳлантирилган. Натижада О.Абдураимовнинг турмушга чиқиши қолдирилиб, унинг таълимнинг кейинги босқичида ўқиш таъминланди.

[Давоми 12-бетда]



Тadbиркор — қонун ҳимоясида

Балиқчи туман прокуратураси томонидан тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ижроси қатъий назоратга олинб, тadbиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик ижроси юзасидан назорат тadbирлари амалга ошириб келинмоқда.

Туманда тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга эркин фаолият кўрсатишлари учун тўсик бўлаётган омилларни бартараф этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг тadbиркорлик фаолиятига асосис равишда аралашушга йўл қўймаслик, тadbиркорларга яратилган имкониятлардан тўлиқ ва кенгроқ фойдаланишни тарғиб қилиш мақсадида туман ҳокимлиги мажлислар залида "Очқ эшиklar кун", шунингдек, тadbиркорлар билан жойларда учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Бундан ташқари, тadbиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний

аралашувларни бартараф этиш, мазкур фаолиятни ривожлантириш йўлига тўсик бўлаётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида туман прокуратурасида «007» рақамли "Ишонч телефони" ташкил этилган бўлиб, бу билан фаолияти давомида муаммога дуч келган тadbиркорларга керакли ёрдам берилмоқда. Жумладан, тумандаги "Наргиз" хусусий фирмаси раҳбари О.Эгамбердиев "Ишонч телефони"га мурожаат қилиб, фирманинг ишлаб чиқариш цехи жойлашган ҳудуддан ўтган Д-159 мм ўлчамдаги юкори симли газ қувурида носозлик юз берганлиги, бироқ бу ҳақда таъминотчи корхона томонидан истеъмоли тармоқдан огоҳлантиришсиз узиб қўйилганлигини кўрсатиб, газ таъминотидаги узилишларга барҳам беришда амалий ёрдам сўраган.

Мурожаат туман прокуратураси томонидан кўриб чиқилиб, таъминот корхонаси томонидан қисқа фурсатда носозликнинг бартараф этилиши ва хусусий корхонанинг нон ишлаб чиқариш цехига табиий газ етказиб берилиши таъминланган.

Тумандаги собиқ "Қахрамон" фермер хўжалиги раҳбари А.Тўлашев эса ўз мурожаатида ихтиёрида қишлоқ

хўжалик техникалари мавжуд бўлиб, фермерларга техника хизмати кўрсатиб келаётганлиги, лекин фермер хўжалиги ер майдони бошқа фермер хўжалигига қўшиб юборилганлиги муносабати билан банкдаги ҳисоб рақами ёпиб қўйилганлиги, шу сабабли кўрсатилган техника хизматидан келиб тушиши лозим бўлган маблағни ололмаётганлигини кўрсатиб, банкдаги ҳисоб рақамининг очилишига кўмак беришни сўраган.

Мазкур мурожаат назоратга олинб, тadbиркорга зарур ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, ўтказилаётган назорат тadbирларида айрим давлат идораларининг мутасаддилари томонидан тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари бузилишига ва ноқонуний тарзда жавобгарликка тортилишига сабаб бўлувчи ҳатти-ҳаракатлар содир этилаётганлиги ҳолатлари аниқланган. Жумладан, "Водийгазтаъминот" унитар корхонаси Балиқчи филиали назоратчилари А.Абдуллаев, Т.Мадияров ва М.Камоловлар томонидан 2012 йил 11 март кунини ўрмонбек қишлоғи Бўз маҳалласида яшовчи яққа тadbиркор З.Ҳасановга нисбатан "Табиий газдан фойдаланиш юзасидан" 71-сонли даволатнома расмийлаштирилиб, унда

Фарҳодбек АБДУРАҲМОНОВ,
Балиқчи туман прокурори ёрдамчиси

тadbиркор табиий газдан ихтиёридаги иссиқхонада ноқонуний фойдаланганлиги кўрсатилиб, 1000 м² табиий газ қонунсиз сарфланганлиги ва филиалга 108 минг сўм моддий зарар етказилганлиги қайд этилган.

Филиал ҳокимлари томонидан қайд этилган мазкур қонунбузилиш ҳолати туман прокуратураси томонидан ўрганилганда, яққа тadbиркор З.Ҳасанов ўз уйида иссиқхона ташкил қилганлиги, лекин иссиқхонага табиий газ тармоғини уламаганлиги, табиий газдан фақат ўз хонадонини иситиш мақсадидагина газ ҳисоблагич ускунаси орқали фойдаланиб келганлиги, фойдаланилган табиий газ учун тўловларни ҳам ўз вақтида амалга ошириб келганлиги, юқоридаги даволатнома эса у ва ҳолисларнинг иштирокисиз тузилганлиги маълум бўлди.

Мазкур ҳолат юзасидан "Водийгазтаъминот" унитар корхонаси раҳбари номига тақдимома киритилиб, номи қайд этилган ходимларнинг интизомий жавобгарликка тортилиши таъминланди.

Агар келишув бўлмаса...



Жамиятнинг ҳар бир аъзосига ўз манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқининг кафолатлини адолатпарвар жамиятнинг муҳим белгиларидан биридир. Мамлакатимиз Конституциясида "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган", деб мустаҳкамланиши ҳам фикримиз исботидир.

Хамюртимиз Н.Азаряннинг бир кун келиб, ким биландир мулк таллашиб, судма-суд юриши ҳаёлига ҳам келмаган бўлса керак. Лекин, болалари учун шартшароит яратиш каби турмуш ташвишлари уни бундай қилишга мажбур қилди.

У 2002 йилда Т.Агапов исми шахс билан турмуш қуради. Улар бир оила бўлиб яшашса-да, никоҳларини қонунийлаштиришмайдди. Ҳаётлари давомида икки нафар фарзандли бўлишди. Аммо турмушининг еттинчи йилига келиб, оилада келиб чиққан ўзаро келишмовчилик эр-хотинини иккига айириб, оиланинг барбод бўлишига сабаб бўлади. Т.Агапов шу жанжалдан сўнг уйдан чиқиб кетиб, бошқа аёл билан яшай бошлади.

Қандай яшаш ва ким билан яшаш ҳар кимнинг ўз ихтиёридир. Ана шунга амал қилган ҳолда Н.Азарян ҳам турмуш ўртоғи уйдан чиқиб кетганидан кейин ўз йил давомида болаларини ўзи тарбиялаб келаятган эди. Бироқ, "мол аччиғи, жон аччиғи" деганларидек, уч йиллик айрилиқдан сўнг Т.Агапов қариндошлари билан биргаликда жанжал қўтариб, Н.Азарянни яшаб турган уйдан ҳайдаб чиқаришди. Н.Азарян болалари билан кўчада сарсон-саргардон бўлиб, қийналганидан сўнг "ҳайдалган" уйини умумий мулк қилиб белгиланган, Т.Агаповни эса бу хонадондан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топишни ва ўзини болалари билан бирга бу хонадонга киритиш қўйиш ҳамда уни уларнинг эгаллигига қолдиришни сўраб, судга шикоят қилишган мажбур бўлади.

Суд унинг шикоятини қўриб чиқиб, даъво талабларини қондиришни лозим, деб топмай, уни рад қилади.

Туман прокурори суд қарорини ўрганиб чиқиб, уни бекор қилиш тўғрисида протест киритади. Аммо вилоят судининг кассация инстанцияси протестни қаноатлантирмайди ва ҳал қилув қарорини ўз кўчида қолдиради.

Иш ҳужжатларига кўра, Т.Агапов ўзаро жанжал сабабли низоли уйдан чиқиб кетгач, уч йил давомида бошқа аёл билан яшаб келади ва Н.Азаряннинг уйдан ҳайдаб чиқарилганидан фойдаланиб, низоли уйни У.Комиллова нотариал тар-

тибда расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига асосан сотиб юборади. Бунда унга никоҳи қонуний тартибда қайд этилмаганлиги ҳам жуда кўл келади.

Бир тарафдан қараганда, кимдир никоҳсиз оилада мулкка даъво қилиб бўлмайди, дейиш ҳам тайин. Бироқ... Бироқ, бу низоли ишда барча ҳолатлар атрофлича ўрганилмаган, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона аниқлаш ун қонуний барча зарур чоралар қўрилмаган. Бунинг устига суд ФПКнинг 15-моддаси талаби бўйича, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунириш, уларнинг процессуал ҳаракатларини амалга ошириш ёки оширмаслигини оқибатлари тўғрисида огоҳлантириш ҳамда уларга ўз ҳуқуқларини рўйбга чиқаришларига ёрдам кўрсатиши лозимлиги каби вазифаларни бажармаган.

Н.Азарян ҳақиқатан ҳам Т.Агапов билан биргаликда никоҳсиз бўлса-да, етти йил давомида яшаб, икки нафар фарзандли бўлишган ва бу вақт оралиғида улар низоли хонадонни биргаликда сотиб олишган.

Фуқаролик кодексининг 216-моддаси 1-қисми талабига кўра, икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгаллигига бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидидаги улуши аниқлаб қўйилган ёки бундай улушлар аниқлаб қўйилмаган ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин.

Биринчи инстанция суди мажлисида Т.Азарян гувоҳ сифатида сўроқ қилинганида, у Н.Азаряннинг сўнгилсиз бўлишини, 2008 йили ундан низоли уйни сотиб олиш учун 7,5 миллион сўм миқдорда пул қарз бериб туришни сўраганилиги, шунда у сингилсига бу пулни берганилиги ва улар, яъни Т.Агапов билан низоли уйни биргаликда сотиб олишганилиги кўрсатган. Бу ҳолатни Н.Азаряннинг укаси Равил Азарян ҳам гувоҳ сифатида сўралганда, тасдиқлаган.

Ушбу кўрсатмаларга мувофиқ ҳолат тасдиқини топган, суд даъвогарни жавобгар Т.Агапов билан низоли хонадонга нисбатан умумий мулк эгаси, деб топиши лозим эди.

Шунга қарамай, суд бунга

етарли даражада эътибор қаратмай, ҳолатни инobatсиз қолдирган.

Бу эса, ўз навбатида Т.Агаповнинг гаразли мақсадларда Н.Азарянни уйдан чиқариб юбориш ва уйни бегона шахсга олди-сотди шартномасига кўра сотиб юбориб, катта миқдордаги пул маблағини ўзлаштириб олиш учун қилган ишларини янада мустаҳкамлаб, ўзининг ҳақлигига бўлган ишончини орттирган.

Иш судда қўрилаётган вақтда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказига қўрилиш техника экспертизаси тайинланган бўлиб, экспертиза хулосасига кўра, низоли хонадонни иккига бўлиш имконияти йўқлиги сабабли, унинг айни пайтдаги бозор баҳоси меъёрлари бўйича нархи 20 млн. 358 минг 400 сўмни ташкил қилиши қайд қилинган. Лекин суд экспертиза хулосаси натижаси юзасидан бирор-бир қонуний тўхтамга келмаган.

Республика Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрель кундаги "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги Қарорининг 3-бандига мувофиқ, суд иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун қонунда кўрсатилган барча чораларни қўришга мажбур, ҳал қилув қароридида ишнинг ҳолатлари ҳақида баён этилган суднинг хулосалари, тарафларнинг ҳақиқий ўзаро муносабатларига тўғри келмоғи лозим.

Ҳал қилув қароридида иш учун аҳамиятга молик бўлган ҳамма ҳолатлар баён этилган, тегишли далиллар келтирилган ва иш бўйича аниқланган ҳолатлар ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бўйича тўғри хулосага келинган тақдирдагина, у асосли бўлиб ҳисобланади.

Ишнинг ҳақиқий ҳолатлари тўғрисидаги суднинг хулосаси ҳал қилув қароридида Фуқаролик процессуал кодексининг 56-моддасида кўзда тутилган исботлаш воситаларига мувофиқ асосланганлиги. Яъни, ФПКнинг 56-моддасига кўра, тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асослайдиган ҳолатлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумот ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар фуқаролик иши бўйича далил ҳисобланади. Бу маълумотлар тарафлар ва унинг шахслар ҳамда уларнинг қонуний вакиллари тушуниришлари, гувоҳларнинг қўрсатувлари, ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосаси каби воситалар билан аниқланади.

Муаллифи қўрсатилмаган хатлар ва манбаи номаълум бўлган ёки ғайриқонуний тарзда олинган бошқа маълумотлар далил бўла олмайдди.

Шу билан бирга, ҳал қилув қарори ФПКнинг 58-59-моддаларида белгиланган далиллар дахлдорлиги ва исботлаш воситаларига йўл қўйилиши ҳақидаги қоидалар эътиборга олинган ҳолда асосланганлиги. Бошқача қилиб айтганда, суд фақат иш учун аҳамиятга эга бўлган далилларинигина қўриш учун қабул қилади.

Суднинг далиллар қабул қилишни ёки талаб қилишни рад этиш тўғрисидаги аҳрими

асосланганлиги бўлиши лозим.

Хусусан, иш юзасидан учинчи шахс сифатида сўралган низоли хонадон жойлашган ҳудуд маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Рўзиевнинг билдиришномасида, у суднинг ҳал қилув қарори билан танишиб чиққанида унда у айтмаган сўзлар ёзиб қўйилганлиги, у маҳаллага раис бўлиб иш бошлаганида низоли хонадонда даъвогар Н.Азарян яшаб келганилиги, жавобгар Т.Агаповни танитмаслиги, чунки унинг расмий даврида жавобгар бир кун ҳам бу уйда яшамаганлиги, уни фақат кейинроқ, яъни Н.Азарянни уйдан ҳайдаш учун келганида кўрганлигини баён қилган.

Бундан ташқари, низоли хонадоннинг аввалги эгаси М.Важобовнинг судга берган тушунтиришларида улар бошқа жойдан турар жой сотиб олганларидан кейин мазкур уйнинг сотилиши ҳақида берган эълонали бўйича турмуш ўртоғининг Темур исми бир танишининг хотини уйга харидор бўлаётганлигини айтган. Лекин турмуш ўртоғи "Темурнинг имконияти етармикан" деганида, тушга яқин Темурнинг хотини ёш боласи билан кириб келиб, савдолашганлиги, шунда пули етмаётганлиги учун акиси Наилга телефон қилиб, ундан етмаётган 7,5 миллион сўм пулни қарз сифатида бериб туришни сўраганлиги ва Наил бунга рози бўлганидан сўнг, уйи 15 миллион 200 мингга келишишган. Пулнинг ярмини ўша вақтнинг ўзидида Темур турмуш ўртоғи Н.Азарян билан бирга олиб келиб берган. Қолганини эса, бироз кейинроқ беришга келишган. Пулнинг қолган қисmini олиб келишганида Темур уйни дарҳол расмийлаштириб беришни талаб қилган ва шу зайл уй унинг номига нотариал тартибда расмийлаштирилган.

Суд томонидан эса бу ҳолатларга етарли даражада эътибор берилмаганлиги оқибатида инobatта олинмаган.

Н.Азаряннинг вояга етмаган болалари билан кўчага ҳайдаб чиқарилиши етмаганидек, суд давлат фойдасига 1 миллион 950 минг сўм миқдоридида давлат божини тўлашни ҳам унинг зиммасига қўлаган.

ФПКнинг 1-моддасида "Суд тарафларнинг мулкий аҳолига қараб, улардан бирининг ёки иккаласининг давлат даромадига ундирилган суд ҳаражатларини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйиши, шунингдек, бу ҳаражатларнинг миқдорини камайтириши мумкин", деб белгиланган.

Бироқ, биринчи инстанция суди давлат бож ундиришни белгилашда даъвогарнинг қаромонда икки нафар вояга етмаган болалари борлиги, мулкий аҳоли яхши эмаслиги ва кам таъминланган оила тоифасига киришини инobatта олмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрь кунги "Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳаражатларини ундириш амалиёти тўғрисида"ги Қарорининг 25-банди талабидида айтилишича, суд ҳаражатлари нотўғри ундирилган ҳолатлар аниқланганда, апелляция, кассация ва назорат инстанция судлари

Музаффар ДЎСТҚОРИЕВ,
Бош прокуратура бўлим прокурори

процессуал қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тартибда суд ҳаражатларини ундиришга, уларни тўлашдан озод қилишга, шунингдек, ундирилган сумма миқдорини камайтиришга ёки уларни тарафлар ўртасида қайта тақсимлашга ҳақли эканлиги белгиланган.

Суд шунга қарамай ва даъвогарнинг мулкий аҳолига ҳисобга олмасдан туриб, ундан давлат божини ундиради. Кассация инстанцияси эса, бу ҳолатга ҳуқуқий баҳо бермайди.

Низоли хонадон атрофидаги муҳим ҳолатлардан яна бири, суд иш юзасидан қабул қилган ҳал қилув қароридида даъвогарнинг туман ИИБ паспорт бўлини масига у ва унинг фарзандларини низоли уй дафтарида ҳисобга киритишни юклаш ҳақидаги талабларини рад қилиб, нотўғри хулосага келган. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизimini тақомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизimini тўғрисида"ги Низом талаблари бўйича, фуқароларни қайд этиш (рўйхатга олиш) ва рўйхатдан чиқариш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қошидаги ХЧК ва ФРБга тегишли, деб белгиланган.

Фуқаролик ишида тўпланган ҳужжатларга кўра, даъвогар Н.Азарян туман ИИБ ХЧК ва ФРБга низоли уйга рўйхатга олишни сўраб мурожаат қилганлиги ҳамда унинг мурожаати рад этилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд эмас.

Даъвогарнинг оқорида кўрсатилган даъво талаблари судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли иш юриштишдан тугатилиш лозим бўлса-да, суд даъвои рад қилиб, процессуал ҳуқуқ нормаларини бузган. ФПКнинг 100-моддаси 1-бандида "Иш судга тааллуқли бўлмаса суд иш юриштиши тугатади", деб қўрсатилган.

Кассация инстанцияси суди ҳам бу ҳолатларга эътибор қаратмай, унга ҳуқуқий баҳо бермасдан, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 312-моддаси 1,3-4-бандларида суд томонидан иш юриштиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланганлиги, суд қароридида баён қилинган хулосалар иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги, процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги суд қарорини бекор қилишга асос бўлиши қўрсатилган.

Қонуннинг ана шу нормалари талабига мувофиқ тарзда Бош прокуратура томонидан Республика Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига киритилган протест қаноатлантирилди.

Ҳаёт ҳар доим ҳам бирдек кечавермас экан. Унинг синволларидан тўғри хулоса қилиб, тўғри йўлни танлаш ҳар доим ҳам фойдалидир. Қолаверса, ҳар бир жамиятда қонуннинг устуворлиги шу жамият тараққиётининг гарови ҳисобланади. Буни барча билиши ва унга бирдек амал қилиши даркор.

Яна бир қулайлик



Бундан ўн беш-йигирма йиллар олдинги шифохоналар ва тиббий хизмат ҳолатини бир эслаб кўринг. Кўкракка уриб мақтангудек ютуқларимиз кўп эмасан ўшанда. Айтарли саноқли тиббиёт муассасаси-ю айрим хусусий шифохоналарни айтмаса, алмисоқдан қолган, вазифасини алақачон ўтаб бўлган тиббий жиҳозлар ёрдамида беморлар кўриқдан ўтказилиб, ташхис қўйиларди.

Бугун-чи?! Соҳадаги ютуқлар, янгиликлар борасида соатлаб гапирсак ҳам вақт етмайдигандек. Хатто бугун Ўзбекистон дунёнинг етакчи давлатлари қатори энг мураккаб тиббиёт амалиётларини бажаришда ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Айниқса, сўнгги йиллардаги тиббиёт муассасаларининг замонавий қиёфа касб этаётгани, уларнинг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги, шунингдек, тиббиёт ходимларининг дунёнинг энг нуфузли давлатларида ўз тажрибаларини ошириб келаётгани ҳукуматимиз томонидан соҳага қаратилган алоҳида эътибор самарасидир.

Яқинда Наманган шаҳридаги 1-шифохонага йўлни тушиб қолди. Маъмурий биносига қирар эканман, бош шифокор Тоҳиржон Бойдедаев мамнун қиёфада ходимлари билан ниманидир муҳокама қиларди.

— Шифохонамиз Япония гранти асосида замонавий тиббиёт анжолари ютиб олди! — деди у хурсандчилиги боисини изоҳлар экан. — Яқинда уларни олиб келиб, бўлимларга ўрнатдик. Ҳозир ана шу жиҳозлар билан ишлайдиган ходимларнинг малакасини ошириш борасида гаплашиб тургандик.

Тоҳиржон аканинг эътирофича, жорий йил бошида Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда тизимдаги муассасалар ўртасида грант эълон қилинган бўлиб, мазкур шифохона Бухоро вилояти болалар психоневрологик шифохонаси, Сурхондарё вилояти, Музробот тумани марказий шифохонаси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ҳамда Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани тиббиёт бirlашмаси қатори 102 900 минг АҚШ доллари миқдоридаги 16 турдаги тиббий жиҳозлар олиш имкониятига эга бўлибди.

Ҳозирда ушбу тиббий жиҳозлар шифохонанинг туғруқхона, реанимация, гинекология ва марказлашган стерилизация бўлимларида ўрнатилган.

Бош шифокор ҳамроҳлигида бўлимларга ўрнатилган янги замонавий тиббий жиҳозларни кўздан кечириб эканмиз, ҳам шифокорларга, ҳам беморларга анчагина қулайликлар пайдо бўлганини чин дилдан ҳис этдик.

— Ушбу грант доирасида биз ҳомиладор ва фертил ёшида

бўлган аёлларни соғломлаштириш, туғруққа тайёргарлик, туғруқдан кейинги тиббий ёрдам ҳамда чала ва кеч туғилган чақалоқларга перинатал ёндашув самарасини ошириш таклифи билан чиққандик, — йўл-йўлакай мақсадини тушунтириди Тоҳиржон ака. — Мана, кўриб турганингиздек, мазкур ускуналар ёрдамида халқимизга намунали тиббий хизмат кўрсатиш имконига эга бўлдик. Албатта, булар истиқлол тўғриси, мустақиллик шарофатидир.

У киши жонлантириш бўлими томон бошлар экан, яна гапида давом этди:

— Мана бу иккита кўп функцияли замонавий даволаш қараоти — кордиомонитор ёрдамида бир пайтнинг ўзида беморнинг умумий ҳолатини тўла назорат қилиш имконияти мавжуд. Масалан, айни пайтда мониторда беморнинг юрак қисқариши сонини санаш, қон босими, тана ҳароратини ўлчаш, электрокардиограмма қилиш, қўйингки, организмда кечаётган барча ўзгаришларни автоматик тарзда кузатишимиз мумкин.

— Мана бу беморимиз учун кун аввал жарроҳлик йўли билан фарзандли бўлди, — суҳбатга қўшилди бўлим бошлиги Иброҳим Иномиддинов. — Бемор шифохонага келганида ҳолати кўнгилдагидек эмасди. Яъни, ҳомила катта, боз устига, тепада қойлашганди. Жарроҳлик амалиётидан кейин мазкур янги жиҳоз ёрдамида унинг умумий ҳолати тўла назорат қилиб бориш мумкин. Ҳозир аҳоли яхши, ўзи мустақил равишда юраяпти.

Гинекология бўлимига ўрнатилган ультратовушли аппарат (УЗИ) ёрдамида кўкрак бези, қалқонсимон без, буйрак, талок, ошқозон ости бези, тухумдон, ҳатто юракни ҳам тек-

Нилуфар НИЁЗОВА,
«Huquq»

шириш имконияти мавжуд. Бу шифокорларнинг касаллиқни вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва даволаш самарадорлигини ошириши билан бирга, тўғри муолажа олиб боришда ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга.

Бўлим мудираси Нодира Бузурхонанинг таъкидлашича, мазкур "SMARTSONO MS-08" деб номланувчи УЗИ аппарати ёрдамида нафақат беморларнинг ички аъзоларини, балки ҳомиланинг юрак уриши ва юрак чизигини ҳам текшириш мумкин. Шунингдек, тасвирни рангли, катта-кичик қилиш, расм шаклида қоғозга чиқариш имкониятлари ҳам мавжуд. Хоҳловчилар учун ҳомиланинг ҳаракатларини дискка кўчириб бериш функциялари ҳам бор. Айни пайтда шифокор беморда кечаётган ўзгаришларни бевосита унинг ўзига монитор орқали кўрсатиб, керакли йўл-йўриқлар ҳам кўрсатиши мумкин.


— Бўлимдаги аввалги УЗИ аппаратимиз 1993 йилда ишлаб чиқарилган бўлиб, анчагина эскириб қолганди, — изоҳ берди Н. Бузурхонова. — Янгиси ёрдамида шифохонага мурожаат этаётган бар бир беморнинг ички аъзолари, бевозта қилаётган ҳасталик ҳақида бемалол маълумот тўплашимиз мумкин.

Туғруқ комплексига ўрнатилган "PHOTOTHERAPY-TD1001" номли аппарат жарроҳлик амалиёти жараёнида жуда асқотмоқда. Яъни, ушбу аппарат чақалоқнинг тана ҳароратини меъёрлаштиради, "INFANT INCUBATOR" орқали эса ҳам вазини чақалоқлар парваришланади. Гемолитик касалликка чалинганларнинг сарклигини камайтиради.

— Айрим ҳолларда она билан боланинг қон гуруҳи тўғри келмай қолиши тиббиётда кўп кузатилади, — дейди неонатолог Замира Умарова. — Мазкур янги тиббий жиҳоз мазкур ҳолат, яъни гемолитик касалликларни бартафариқ этишда жуда кераклидир.

Туғруқ комплексига ўрнатилган янги операцион стол, ёруғлик бериш аппарати ва наркоз аппарати ҳам тиббиётнинг энг сўнгги ютуқлари бўлиб, айни кунларда бу жиҳозлар халқимиз соғлиги учун хизмат қилмоқда.

Тиббиёт муассасасидан қайтар эканмиз, ҳукуматимиз томонидан халқимиз саломатлиги йўлида олиб борилаётган хайрли ишларнинг яна бир кўриниши ғувоҳи бўлганимиздан гуруҳлиб қўйдик. Булар эса мустақиллик меvasи, ҳукумати-миз ғамхўрлигидир.



Республикаимиз ҳудудида чет эл валютаси билан боғлиқ барча молиявий операциялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартиб асосида тижорат банклари шохобчалари орқали амалга оширилади.

Долларфуруш оғайнилар

Шунга қарамасдан Тошкент шаҳрининг айрим ҳудудларида ноқонуний равишда валюта қимматликлари муомаласи билан шуғулланиш ҳолатларида дуч келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти органлари фаолиятида ҳам 2011 йил 6 апрелда Бош прокурор томонидан тасдиқланган Дастур ижросига алоҳида эътибор қаратилиб, валюта қимматликларининг ноқонуний муомаласига барҳам бериш мақсадида жойларда профилактик-тарғибот ишлари жадаллаштирилмоқда.

Бунинг самараси ўлароқ, ўтган давр мобайнида амалга оширилган тезкор тадбирлар натижасида валютага оид 406 та ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, 287 та жиноят иши қўзғатилган ва 119 та маъмурий ишлар юритилиб, бу йўналишдаги ҳуқуқбузарликларнинг кескин камайишига эришилган.

Бироқ "енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юрвчи", қандай йўл билан бўлса ҳам мўмай даромад орттиришни қўзлайдиган қимсалар ҳамон валютафурушлик касалидан ҳалос бўла оlishмапти. Буни Аҳмад Тожиев ва Самад Мансуровлар қилмиши мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, уларга қулайликлар яратиш йўлида тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Лекин яратилган ушбу қулай имкониятларни сунистьёмол қилиб, хатога йўл қўяётган қонунбузарларнинг учраётганлиги ачинарлидир.

Кирдикорлари фош бўлган директор

Ойбек ГАЙПОВ,

СВОЖДЛҚК Департаментининг Учтепа туман бўлими бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти томонидан Юнусобод тумани ҳокимиятида 2011 йил 26 июль куни рўйхатга олинган "Savdo plus" МЧЖда ўтказилган текшириш давомида айрим қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган. Копадзе Вейсал (корхона номи ва исм-фамилиялар ўзгартirilgan) ушбу масъулияти чекланган жамиятда 2012 йил 16 январь кунидан директор лавозимида ишлаб келган. У мансабдор шахс бўла туриб, хориждан келтирилган турли русумдаги кир виши машиналари ва музлатгичларни, умумий миқдори 25.387.113,62 сўм бўлган товар-моддий бойликларини дастлабки суриштирув ва суд терговини давомида шахси аниқланмаган фуқароларга нақд пулга сотган. Лекин бу маблағлар хизмат кўрсатувчи банк ҳисобига кириб қилинмаган.

У бу пулларни шахсий эҳтиёжлариغا ишлатиб юборган, натижада савдо-сотик ва хизмат кўрсатиш қоидалари бузилиб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда моддий зарар етказилган. Бундан ташқари, Копадзе Вейсал "Savdo plus" МЧЖ директори лавозимида ишлаган даврида Юнусобод туман Давлат солиқ инспекциясига 2011 йил якуни бўйича тақдим этган ҳисоботида улгуржи савдодан тушган даромади миқдорини 2.251.789 минг сўм ва бунга тегишли тўланган 5 фоизли ягона солиқ тўлови миқдорини 112.585,9 минг сўм деб кўрсатган. Бу билан 29.692.100 сўм миқдорда ягона солиқ тўлови ундирилиши керак бўлган 593.841,5 минг сўм миқдоридидаги даромад яширилгани аниқланган.

Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг ҳукми билан Копадзе Вейсал Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларида баён қилинган жиноятларни содир этганлиқда айбли деб топилиб, жазога тортилди.

Узоқдаги «қуйруқ»ни деб...



Одам савдоси. Бу гапни айтишнинг ўзи ҳам киши қалбини ларзага солади. Баъзан босган қадамнинг нотўғри эканлигини билса-да, барибир шу йўлдан юрадиганлар ҳам бор.

"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида "...одам савдоси — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадига уларни ёллаш, ташшиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишдир...", деб кўрсатиб ўтилган. Бугунги кунда айнан одам савдоси, инсон қадр-қимматини поймол этиш, зўравонлик ва алдов йўллари билан жисмоний ва руҳий таъзияк ўтказиш сингари ҳолатларга глобал муаммо сифатида қараб келинмоқда.

Ака-ука Ўсар ва Фаёзиддин Қаршиевлар 2008 йили ишлаш учун Москва шаҳрига келишганида ҳадеганда танилиш иш топишолмади. Улар иш излаб юришганида Сирождидин исмли танишлари ҳамқишлоғи Аҳат Ражабов ёлланма ишчиларга иш топиб бераётганини айтиб қолди. Аҳат олдида илтимос билан келган икки ҳамюртини

"қуруқ қайтармади". Яхшигина иш борлиги, ойига 20 минг Россия рубли миқдорида иш ҳақи олишларини айтиб, қўйинларини пуч ёнгоққа тўлдирди. Уларнинг ишончига кириш учун: "Уйимни биласизлар, алдасам, пулларингизни уйимдан бориб оласизлар", — деди. Ваъда қилинган маош ака-укаларни қониқтирди. Шу сабаб улар Аҳат Ражабовга ишониди ва Москва шаҳрининг Черкиз шохобчасида ишлаш бошлади. Бу орада Аҳат уларнинг фуқаролик паспортларини ҳужжат қилиб бериш баҳонасида олиб қўйди. Икки ой ўтса-да, ойлик маошнинг дарағи бўлмагач, ака-укалар меҳнат ҳақларини сўрай бошладилар. Аҳат эса вазиятдан қиш учун Бекова шаҳарчасидаги иссиқхонага ишга боришлари кераклиги, йўқса, икки ойлик иш таъқидлади. Ноилоҳ қолган ака-укалар Аҳат айтган юмушни, деб иссиқхонага боришди. Аҳат учун ака-ука Қаршиевлар биринчи "ўлжа" эмас экан. Ўсар ва Фаёзиддин бу ерда бошқа қишлоқдошлари ҳам ишлатётганини қўриб, хайрон қолишди. Келдиёр Жовлиев, Шайор Холманов, Ҳожиакбар ва Йўлдош Тошевлар Аҳат Ражабовнинг ҳамқишлоқлари, унга кўздек яқин одамлар эди. Уларни ҳам алдов йўли билан ишлатаётган Аҳат Ражабов хизмат ҳақини беришга келганда, жуфтанин ростлаб қоларди. Ака-ука Қаршиевларнинг ҳисоб-китобига кўра, Аҳат уларга 160 минг Россия рублига тенг, яъни 9 011 200 сўм пул бериши керак эди. Жабрдийдалар унинг макр-хйласига учиб ўтирганига ишонгилари келмасди. 2009 йилнинг январь ойи охирида улар ўз юртига қайтган ака-ука Аҳат Ражабовни излаб унинг уйига борганида у Россиядан қайтмаган экан. 2012 йилнинг март ойида Фаёзиддин Қаршиев Аҳатдан ваъда қилинган иш ҳақини сўраш учун унинг уйига яна борди. Аҳат гўё ҳеч нарса бўлмагандек уни қарши олиб, уларнинг иш ҳақини беришдан бош тортди. Шундан сўнг Фаёзиддин иш ҳақини ундириб беришни сўраб, ваколатли органларга мурожаат қилди. Аҳат Ражабов жиноят ишлари бўйича Яқкабоғ туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси

Жиноят кодексининг 135-моддаси 1-қисми ҳамда 168-моддаси 3-қисмининг "а" банди билан айбдор, деб топилиб, қилмишига яраша жазосини олди. У ака-ука Ўсар ва Фаёзиддин Қаршиевлар, шунингдек, К.Жовлиев, Ш.Холманов, Ҳожиакбар ва Йўлдош Тошевларнинг иш ҳақларини ҳам тўлаб беришга мажбур бўлди.

Яқкабоғ туман прокуратураси 2012 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режасидан келиб чиқиб, туман ҳудудида одам савдосига қарши курашишга доир қонун ҳужжатлари ижроси ўрганилиб умумлаштирилди. Унга кўра, 2012 йилнинг 28 февраль ҳолатида одам савдоси билан боғлиқ жами 12 та жиноят иши кузатилиб, 75 нафар фуқаро жабрланганлиги қайд этилган. 8 та жиноий иш бўйича 15 нафар шахс айбланиб, иш судга оширилган ва жиноятчилар тегишли жазога тортилган. Айни пайтда туманда Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг ижросини таъминлашга доир тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда. Мазкур қарордан келиб чиқиб, туманда "Одам савдосига қарши курашиш бўйича туман идоралараро ҳудудий комиссияси" ташкил этилган. Жабрланганларга кўмак бериш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, алдовга учмасликка қаратилган тарғибот ишлари ўтказилиб келинмоқда. Бироқ ҳудудий комиссия иш таҳлил қилинганда, ҳали баъзи камчиликлар борлиги кўзга ташланди. Жумладан, одам савдосига имкон берувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар етарлича ташкил қилинмаганлиги қайд этилди. Одам савдоси билан шуғулланишдек жирканч ишга қўл ураётган шахсларга нисбатан қатъий чоралар қўллаш муҳимлиги юзасидан тасвиялар берилди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Яқкабоғ туман судида одам савдосига оид

Содиқ ЮЛДОШЕВ,
Яқкабоғ туман прокурори

яна бир иш кўриб чиқилди. Осон йўл билан даромад топиш илинжида ўзгалар меҳнатидан фойдаланишни, улар ишончига кириб, алдов йўли билан бойлик орттиришни қўзлаган кимса Абдиназар Маллаев эди. У ҳам Аҳат Ражабов сингари ҳамюртларига мўмайгина пул ваъда қилиб, уларнинг меҳнатидан ўзининг манфаатлари йўлида фойдаланиб келган. 2008 йил январь ойида у томонидан Россия Федерациясининг "Қазан" темир йўл вокзалида қарши олинган ҳамюртлари Салим Абдурахмонов, Мавлон Мойилев, Олимжон Боймуродов, Бақир ва Чоршанба Қаландаровлар ҳам одам савдоси қурбонига айланганликлари кеч англашди. Абдиназар эса ишни ташкиллаштириб, арзиман пул эвазига ҳамқишлоқларини ишлатиб юрди. Иш топиб бергани ва ўртадаги востачилиги учун ҳам улардан ҳақини олишни унутмади. Ҳамқишлоқларининг меҳнати эвазига топилган 9 минг 500 АҚШ доллари миқдоридаги (миллий валютада 14 330 370 сўм) иш ҳақини ўзлаштириб юборди. Қуруқ қўл билан уйга қайтган ҳамқишлоқлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этишди. Алдовга ишониб, меҳнатига қўйиб қолган жабрланувчилар суд орқали ҳақларини ундириб олишди. Бироқ ўз ҳамюртлари Абдиназар Маллаевга бўлган ишончлари йўқолди.

Инсоният яралибдики, мудом яшаш учун курашади. Яхши яшашга интилади. Дарҳақиқат, халқимизда бировнинг ҳақига хиёнат қилиш катта гуноҳ эканлиги кўп бор тақдорланади ва бу гап ҳаётда ўз исботини ҳам топган. Қолаверса, инсон қадр-қимматини оёқ ости қилишга, уларни қулликка маҳкум этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Огоҳ бўлиш, алдовларга ишонмаслик тўғрисида кўп бор гапирилади. Тирикчилик, деб бошимизни тўғри келган деворга урамиз. Жабр қўриб, бошни ҳам қилиб ўтиргандан кўра қилаётган ишимиз оқибатини ўйлаб кўришимиз керак эмасми?

Гиёҳвандлик ва унинг оғир оқибатлари ҳақида кўп гапирилади. Бироқ ҳамма ҳам ўзгалар фожиасидан, тақдирдан тўғри ва оқилона хулоса чиқаришга қодир эмас. Йўқса, кўр-кўрона равишда ўзини тубанлик ботқоғига отувчилар кескин камайган бўларми. Жамият, унда яшовчи оқил фуқаролар бу каби иллатларга бефарқ қараб туролмайдилар. Гиёҳвандлик илдизига болта уриш ҳар биримизнинг доимий вазифамиз сифатидаги мазмуни йўқотмайди.

Хоразм вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан гиёҳвандликнинг олдини олиш, жиноятларни фош қилиш, малакали тергов олиб бориш, тегишли жазога тортиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Йилнинг ўтган даврида гиёҳвандлик билан боғлиқ қатор жиноятлар фош этилди, айбдорлар аниқланиб, жазога тортилди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судида Мирзо Ҳайтов, Қувондиқ Ражапов, Ўлмасбек Олланазаров, Баходир Ҳасановга оид жиноят иши кўриб чиқилди. М.Ҳайтов 1987 йилда ту-

Тубанлик ботқоғи



Рустам МАТЧАНОВ,
Хоразм вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси
Ойбек ЖУМАНИЁЗОВ,
«Huquq»

рилган. Ёш бўлишига қарамай, 2004 йилда суд ҳукмига биноан жазога тортилган. Унинг шерикларидан бири — ўғай акиси Б.Ҳасанов эса 2005 йилда суд ҳукми билан айбдор, деб топилиб, озодликдан маҳрум қилинган. Амнистия актига биноан жазодан озод қилинган бу йигитлар фойдали меҳнат билан шуғулланиб, ҳаётларини қайта қуришга муваффақ бўлмадилар.

Мирзо маълум муддат Россияда ишлаб келди. Ўзининг билдиришича, ўша ерда гиёҳванд моддалар истеъмол қилишга ружۇ қўйди. Шу йилнинг февралда Урганчга қайтгандан кейин хуружга чида олмай героин излашга тушди. Топа олмач, Россиядаги эски таниши тожикис-

тонлик Жасурга кўнғирок қилиб, героин юборишни, пулини кейинроқ беришини айтди. Бу орада Зафар исмли танишидан 2 грамм героинни 300 минг сўмга сотиб олди. Заҳри қотилдан тайёрлаган уколни қабул қилишга қийналгач, ўғай акиси Баходирга кўнғирок қилди. Ўғай ака укасига кўмаклашиб юборгани эвазига ўзи ҳам героиндан баҳраманд бўлиш имконини қўлга киритди.

Гап орасида Мирзо Россияда 120 грамм героин келаятгани, онаси Г.Ҳайтова уни кир ювиш машинасининг ичига жойлаб юборганлигини айтиб, Тўртқўл темир йўл вокзалида бирга қутиб олишни таклиф қилди. Кир ювиш машинасини божаси Ўлмас Олланазаров номига юборибди.

— Танишим Қувондиқ Ражапов ҳам келяпти, беҳавотир бўлиши учун онам иккаласи кир ювиш машинасини 12-вагон кузатувчисига топширишибди. Машина топсангиз, Ўлмас учаламиз бориб қутиб олардик.

Шу тарзда уч оғайни 120 грамм героинни сотиб, катта даромад қилишни режалаштирилган ҳолда таксига ўтириб, Тўртқўл томон йўл олдилар. Ўлмас кир ювиш машинасини қабул қилиб олди. Вазифани қойиллатганликларидан сармат келаятган шерикларни "Чолиш" йўл патрул хизмати масканида тўхтатишди. МХХ ходимлари томонидан улар келаятган автомашини қўздан кеңирилганда, қилмишлари фош бўлди.

Шу тарика қонун ҳимоячиларининг сазй-ҳаракатлари билан яна бир жиноят илдизига болта урилди. Жиноятчилар эса қилмишларига яраша жазога тортилдилар.

Қонун ҳимоячилари узоқ

йиллардан буён наркофурушлик қилиб келаятган яна бир фуқаронинг фаолиятига чек қўйилар. Ҳазораслик Маткарим Иброҳимов муқаддам ҳам шу турдаги жиноятни содир қилганлиги учун икки марта жазога тортилган. Бироқ бебилиска пулга бўлган эҳтиёж унинг виждонини кўр қилиб қўйганди. Шу боис 2005-2009 йиллар давомида фуқаро Омонбек Матёкубов ҳамда қашқадарелик Акбар билан ҳамкорликда героин моддасини сотиш билан шуғулланиб келди.

М.Иброҳимов 2012 йилнинг баҳорида Акбарга 120 грамм героинга буюртма беради. Гиёҳванд модда этиб келгач, унинг 29,77 граммини турли фуқароларга, 12 граммини эса У.Отажоновга сотади. Қонун ҳимоячилари томонидан М.Иброҳимовнинг хонадонидан ўтказилган текширишда ётоқхонадан 80 грамм героин воситаси топилиб, ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Қўп ўтмай героинга асир бўлган У.Отажонов оламдан ўтди.

М.Иброҳимовга эса қонун олдида жавоб беришга тўғри келди.

Инсон саломатлиги ва маънавиятининг кушандаси бўлган, ҳамият ривожига салбий таъсир қилувчи гиёҳвандликка қарши кураш узлуксиз давом этади. Бу барчамизнинг виждоний бурчимиздир.

Ҳозирги пайтада ҳосил бўлаётган маиший ва саноат чиқиндиларини зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш долзарб масалалардан бирига айланди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, тегишли вазирликлар, соҳа мутахассислари ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикасининг "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қўйида чоп этилаётган мақола ҳам шахар ва қишлоқларимизда чиқиндилар масаласи бўғун нечоғли долзарб эканлигига бағишланган.



Шаҳар ва қишлоқларимизнинг чеккаларида, йўл ёқларида пала-партиш тўкиб ташланган саноат ва уй-руғзор чиқиндилари кўзга ташланиб туради. Бу чиқиндилар бизнинг иқлим шароитимизда, айниқса, ёзнинг иссиқ кунларида ҳар хил касаллик тарқатувчи микробларнинг тез кўпайиши учун шароит яратди. Улар шамол, ҳашаротлар, кемирувчилар ва қушлар ёрдамида ёки сув орқали тез тарқалиб, одамларга турли юқумли касалликларни юктириши мумкин.

Кўпгина чет мамлакатларда шаҳар ва қишлоқларнинг орастига асосий сабаб бу борада мукамал қонунларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг ҳаётида ижтимоий таътиб этилаётганлигидир. Масалан, Сингапурда сикател қондиғини махсус кўрсатилган жойга ташлашдан дуч келган жойга ташланса, 500 доллар, чиқиндини дуч келган жойга тўққан кишига 1000 доллар жарима солинади. Бу қонунлар лавозимидан қатъи назар ҳаммага тааллуқли ва қаттиқ назорат остида амалга оширилади. Швейцарияда табиати бузиш бораида бирон ноҳўй иш қилинса, масалан, чиқинди кўрсатилган жойга тўқилмаса, уни кўрган киши зудлик билан табиати муҳофаза қилиш ташкилотига хабар қилади. Республикаимизда ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларининг ҳосил бўлиш микдори йилиги 100 миллион тонна ташкил этиб, унинг 35 миллион тоннага яқини эса маиший чиқиндилардир.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги даврда бир кишининг озик-овқат, кийим-кечак ва уй-жой эҳтиёжларини таъминлаш учун йил давомида 20 тонна турли хомашё сарфланади, унинг фақат 5-10 фоизи яқиний тайёр махсулотга айланиб, 90-95 фоизи эса чиқитга қиқиб кетмоқда. Бундан ташқари, тайёр махсулотларнинг ҳам бир қисми турли сабабларга кўра истеъмолга ярамай чиқиндига айланоқда.

Сўнгги юз йилликда сайёрамиз аҳолиси тўрт баробар кўпайди, саноат ишлаб чиқариш йиғирма мартага ўсди. Лекин замонавий технологиялар ҳаво ва сувни лозим даражада тозалашга ва чиқиндиларни утилизация қилиш (қайта ишлаш)га тўла имкон бермапти. Натижада ҳозирги кунда жаҳондаги чиқиндиҳоналарда 80 миллиард тоннадан зиёд чиқинди ва тўқинди тўпланиб қолмоқда! Уларнинг атиги учдан бир қисми қайта ишланаяпти.

Чиқиндилар бир томондан, атроф-муҳитга ва инсонга салбий таъсир кўрсатиш манбаи бўлса, иккинчи томондан, иккиламчи минерал ва энергетик ресурслар манбаи ҳам

ҳисобланади. Классификацияси бўйича улар ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари, суяқ ва газ ҳолдаги чиқиндиларга бўлинади.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда чиқиндилар ва чиқиндилар билан шуғулланиш иқтисодиётининг янги тармоғига айланиб қолди. Чунки биринчидан, чиқиндилардан иккинчи маротаба фойдаланиш натижасида хомашё тежалди, иккинчидан, қатта иқтисодий фойда кўриш мумкин. Шунинг учун чиқиндилардан қайта фойдаланиш бозори ниятда кенгайиб, ҳатто хусусий трансмиллий компанияларни ўзига жалб этмоқда. Бу компаниялар йирик аҳоли пунктларидан узоқда жойлашган бўш ва арзон жойларга йирик заводлар қуриб, чиқиндиларга ишлов бериб, янги махсулотлар ишлаб чиқараётган ва қатта иқтисодий даромадга эга бўлаётганлар. Масалан, Германияда чиқиндиларни қайта ишлаш натижасида йилга 40 миллиард доллар даромад олинаркан.

Ҳа, табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини илҳомий ҳал этиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Маълумот ўрнида шунини таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида Ўзбекистонда тизимли экологик сийосатнинг амалга оширилиши, ишлаб чиқариш соҳаларини замонавий янги технологиялар билан жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш ишларининг жадаллаштирилиши натижасида атмосфера ҳавосига ташланаётган зарарли моддалар микдори 1,9 мартага, оқова сувлар ташланиши қарийб икки мартага камайишига эришилди.

Хусусан, мамлакатимизда Мингйиллик Ривожланиш Декларацияси мақсадларига эришиш, "Хавфли чиқиндиларнинг трансгегаравий олиб ўтилиши ва уларнинг йўқ қилиниши нозорат қилиш тўғрисида"ги Базель Конвенцияси талаблари асосида чиқиндиларни бошқариш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бораида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2002 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди, "Ўзбекистонда барқарор тоза ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш ва тоза ишлаб чиқаришни татбиқ этиш" ҳамда Ўзбекистонда БМТнинг Тараққиёт Дастури ҳамкорлигида чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги давлат сийосатини ва ҳаракатлар самарадорлигини оширишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасида чиқиндиларни бошқариш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси" ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилмоқда. Бироқ ҳамма жойда ҳам бу

Чиқинди муаммоси уни бартараф этишнинг йўли борми?

қарор ва қоидаларга амал қилинаётгани йўқ. Масалан, Қарши шаҳридан чиққан чиқиндилар Кўнгиртоғ этагига жойлашган чиқиндиҳонага ташланади. Аммо чиқиндилар пала-партиш тўкиб ташланган, уларни тўкиш учун 2-3 метр чуқурликдаги махсус ҳандақлар қазилмаган, уларга вақти-вақти билан хлорли оҳак препарати билан ишлов берилмайди.

Чиқиндиҳонада ҳашаротлар, қаламушлар ва бошқа кемирувчилар ҳамда қушлар кўпайиб кетган. Улар чиқиндиҳонадаги ҳар хил озуқа билан кун кечиради. У ерда қорамол ва қўй-эчкилар ҳам чиқиндиларни титиб юради. Шундай экан, кемирувчилардан, уй ҳайвонларининг гўштин ва сутидан одамларга турли касалликлар юқмаслигига ким қафолат беради?!

Қарши шаҳри ҳокимлигидаги мутасадди кишилар чиқиндиларни бошқариш бўйича илғор ҳорижий тажрибаларни ўрганиб, чиқиндиларнинг турларга саралаган ҳолда вақтинчалик тўплаш, йиғиш, ташиб кетиш, қайта ишлаш (утилизация қилиш) ва зарарсизлантириш ишларини йўлга қўйишлари керак. Шунингдек, вақтинчалик тўплаш жойларининг экологик ва санитария ҳолатларини яхшилаш лозим. Чиқиндилардан иккиламчи хомашё сифатида фойдаланишга эътиборни қаратиш, айтиш мумкинки, бугунги кунда чиқиндиларнинг атроф-муҳитга ва аҳоли саломатлигига, ҳудудларнинг санитария ҳолатларига бўладиган салбий таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни саралаш, йиғиш ва ташиб кетиш масалаларида ўйлаб кўришга арзийдиган муаммолар кўп.

Хонадоннинг сариштали эканлигини, энг аввал, унинг оstonасидан библиш мумкин. Бунга Қарши шаҳридаги Хонтепа, Собир Раҳимов, Қаҳар маҳаллаларига борсангиз гувоҳ бўласиз. Бу маҳаллаларда кўчабошилар ҳар ойда ҳар бир хонадондан минг сўмдан йиғиб, маҳалладан бириктирилган мутасаддига беришади. Маҳаллалар шаҳар ободонлаштириш қорхонаси билан шартнома тузишган ёки трактор ёки тележкаси бор киши билан келишишган. Ҳар икки-уч кунда тележка кўчамакча айланиб, хонадонларда тўплаб қўйилган чиқиндини олиб кетади ва эвазига маҳаллада йиғилган пулдан рағбатлантирилади (бир ойда минг сўм бир хонадон учун оғирлик қилмайди, албатта). Оқибатда маҳалла кўчалари саранжом-сариштали бўлади, чиқинди тўқилидиган махсус жой тайёрлашга ҳам ҳоҳат қолмайди.

Бироқ Қарши шаҳридаги Отчопар маҳалласига йўлингиз тушса, бунинг тамоман аксини кўрасиз. Маҳалла кўчаларида сизни чиқинди уюмлари қарши олади. Олдиндан тўпланган чиқиндилар кўмиб ташланиб, махсус чуқур қазиб қўйилганига қарамасдан, кўпчиликнинг маиший чиқиндиларни чиқиндиҳонага олиб боришга ҳам ҳафсаласи етмайди шекилли, қўзингизни шамғалат қилиб ёки кечаси уни уйингизнинг ёнига тўкиб кетишади. Уларни ташлаш учун махсус жой бўлиши-

га қарамасдан, ҳатто йўлларда ҳам бетартиб тўкиб кетилган чиқиндиларни кўриш мумкин.

Энг ёмони, чиқиндиҳонадаги чиқиндиларни кимдир ёқиб кетади шекилли, кун бўйи тутаб ётади. Унинг димоғни ёргудай ноҳуш ҳидига қуруқ барг ҳазонларнинг ачқимтир иси қўшилади. Каттиқроқ шамол турса-ку, уйингизнинг атрофи елим халтаю қорғозга тўлиб кетади.

Ўқувчилар, рўзгор ташвишида юрган эркаклар, бирор юмуш билан кўчага чиққан беклар, хуллас, ёшу қари кун давомида чиқинди уюмлари орасидан неча бор ўтади. Ана шу ноҳуш манзарани кўриб, беихтиёр савол туғилади: чиқинди уюмлари оралаб мактабга қатнаётган ўқувчилар саломатлигига ким жавоб беради?

Энг хавотирланарлиси, чиқиндиҳонадан унча узоқ бўлмаган жойда 44-мактаб жойлашган. Чиқиндиҳонадаги микроб ташувчи ҳашаротлар, турли оғир хасталиклар келтириб чиқармаслигига ким қафолат беради?

Мутахассис-санитар-эпидемиологларнинг аниқлашча, турли чиқинди ва ҳазон уюмларининг ёқилиши натижасида атмосферага ис газини, углерод оксиди ажралиб чиқиб, нафас сиқиши ва сурункали аллергия касалликлар ҳужужига сабаб бўлади. Улардан ажралиб чиққан захарли моддаларга тўйинган тутун ўпка орқали қонга сўрилиб, юқори нафас йўлларига салбий таъсир қилади. Бундан ташқари, тутун таркибига саратон (рак) касаллигини кўзга тутишчи канцероген моддалар бор. Шу боис, йилдан-йилга онкологик касалликлар, бронхит астма, ошқозон-ичак касалликлари кўпайиб борапти.

Отчопар маҳалласида 1000 дан ортиқ хонадон бор. Ҳар бир хонадондан 1000 сўмдан йиғилса, 1 миллион сўмдан ортиқ пул тўпланади. Бир хонадонда ўртача 5 нафардан одам яшаса, 1000 сўм киши бошига 200 сўмдан тўғри келади. Маҳалла оқсоқоли ва фолларига бу ҳақда гапирсангиз, ҳеч ким пул бермайди, дейишади. Бу масаланинг ечимиз эмас, ташвишдан қутулиш учун бир баҳона, ҳолос.

Давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлашга умумдават аҳамиятига молик масала сифатида қатта эътибор бераётгани сир эмас. Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш бораида жуда қатта ишлар қилинмоқда. Хусусан, ёшлар саломатлигини муҳофаза қилиш бораидаги ҳайрият тадбирлар ижтимоий давом этиляпти. Ўртбошимизнинг "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур"

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

деган гапи ҳаммамизнинг ёдимизда. Умуман, Президентимиз ҳар бир қишида миллият келажагига дахлдор масала сифатида соғлиқни сақлаш бораида давлат ҳокимияти идоралари раҳбарлигига зарур кўрсатмалар бериши маълум.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: маҳалладан чиқиндиларни олиб чиқиб кетилишига панжа орасидан қараётган Отчопар маҳалласи раҳбарияти, чиқиндиларнинг зарарсизлантирилишига эътибор қаратаётган санитария-эпидемиология идораси ходимлари ва Қарши шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари нега Президентимиз томонидан қўйилган талабларни бажармаяптилар? Нима учун эртанги кунимиз — келажагимизга дахлдор муаммага етарлича эътибор берилмаяпти? Ахир, инсон саломатлиги ҳар нарсадан азий-қу?!

Биз XXI асрда, фан ва техника тараққиёти даврида яшаймиз. Шундай экан, онгимиз ва тушунчамиз, фаҳм-фаросатимиз, маданий тарбиямиз ҳам даврга мос бўлмоғи керак.

Жаҳон андозаси деган иборани тез-тез ишлатамиз. Бу гап озодликка ҳам дахлдор деб ўйлайман. Покизалик, беғуборлик, тозалик ҳар бир кўча, маҳалла ва шаҳарнинг юз-кўзи, ойнаси бўлсин. Халқимизда "тозалик оstonадан бошланади", деган нақл бор. Афсуски, айрим кишилар бу нақлни билмайдилар ёки билсалар ҳам амал қилмайдилар. Шаҳримиз ҳар қачонгидан ҳам гўзаллашиб, замонавий кўркам бинолари бир ҳуснига юз хусн қўшиб бораётган айна дамда унинг нури қиёфасига гард қўндириш одобдан эмас. Шу боис озодлик учун кураш ҳар кунини, ҳар соатда олиб борилиши, қалб амрига айланиши керак деб ўйлайман.

"Қуш уясида кўрганини қилади" дейди халқимиз. Тозалик учун оммавий ҳаракатни ҳар бир хонадоннинг оила бошликлари ўзларидан бошлаши керак. Улар улар ўз фарзандларига ўргатсалар, шу руҳда тарбияласалар, чиқиндиларни дуч келган жойга ташлаб кетмаслиқни назорат остига олсалар, олам гулистон. Бундай тарбия боғча, мактаб ва ўқув даргоҳларида давом этирилиб, нур устига аёло нур.

Хуллас, кўчаларимиз, маҳалламиз ва қолаверса шаҳримизни озода сақлаш ҳар биримизнинг ҳам қарз, ҳам фарзимиздир. Токи, шаҳримизга, қолаверса, маҳалламизга қадам қўйган меҳмонлар унинг чиройига мафтун бўлишсин.



Одил Нодирага уйланганида 18 ёшда эди. Бир йил деганда унга фарзонали бўлишди. Ёшларнинг ҳаёт ҳақиқати тасаввурлари ҳаминқадар бўлгани учун унинг синовларига бардошлари етмасди.

Меҳрининг дариг тутма, ота...

Анвар АСАДОВ,
Коракўл туман прокураторининг
катта ёрдамчиси
Меҳринисо ХУСАИНОВА,
журналист

«Мен шундай ёзаманки...»



Рўзгор юки оғирлик қилди. Йиллар тоблар, деб ўйлашди катталар. Йўқ, уларнинг иродалари муртлик қилди. Оила пойдевори борган сари қалқийверди. Охир-оқибат, турмушларининг ун учинчи йилида ажралишди. Бола табиийки, онасида қолди. Одил хотинининг кунда чиқарадиган гавголларидан қутулганига суюнди. Энди хоҳласа бирор иш билан шуғулланади, хоҳламаса йўқ. Тайинли даромади йўқ-я, оладиган нафақасини ҳам ўзи истаганча совириш имкони бўлди. Ана шу худбинлиги учун ҳам боласини ўйламай қўйди. Бу Нодирага алам қилди. Шунинг учун 2010 йилда судга мурожаат қилиб, Одилдан алимент талаб қилди.

Ҳа, нима қилсин, аёл боши билан ўғлини ёлғиз боқиш мушкул, албатта. Аксига олиб ўзининг қўлида ҳунари бўлмаса, бир ерда ишламаса... Суд Одилга ўғлининг моддий таъминоти учун Нодиранинг фойдасига ҳар ойда ишлаб толган даромадининг тўртдан бир қисми миқдоридан алимент пули тўлаш мажбуриятини белгиледи. Аммо, Одил бунга парво ҳам қилмади. Орадан бир ярим йил вақт ўтди ҳамки алиментдан дарак йўқ. Нодира боласининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб, бу гал прокуратурага мурожаат қилди. 17 ойда Одил боласи учун 1 млн. 780 минг 31 сўм тўлаши керак экан. Нотўд отага нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Энди Одил типирчилаб қолди. Ҳар ҳолда кам маблар эмас эди-да бу сумма унинг учун. Ўзини тўрт томонга урди. Қариндошларидан бири у деди, бири бу. Ўйлаб қараса, ўғли ўғлайиб қолган, ёнида бўлса бугун-эрта қанотига қирлади. Хотини борида иссиқ-совуқдан хабардор эди. Ўзининг соғлиғидан шикоятчи бўлса... Бу йиллар ҳам ўтиб, қувватдан қолган, ёнида бир яқини бўлмаса, аҳоли нима кечарди? Одилнинг иймони ўйғониб, ана шулар ҳақида ўйлади, деган умидимиз бор. Чунки, у боласи учун белгиланган алимент пуллари дарҳол тўлаб берди ва хотини билан ярашиб, оиласини тиклашга уринди. Нодира уни кечирди, жиноят ишини ҳаракатдан тутатишни сўради.

Ҳаётнинг машаққатлари кўп. Уларни енгиш учун меҳр-оқибатга суяниш керак. Зотан, оиланинг пойдевори меҳр-оқибатдан қад ростлайди. Қонун турткиси билан бўлса-да, кеч бўлса-да, бир оиланинг тиклангани, хатолардан сабоқ чиқариб, ришталарини мустаҳкамроқ боғлаш имкони туғилганлигини мулоҳаза қилиб, исмларни ўзгартириб бердик.

Эксперт гапнинг давомини айтишдан истихола қилаётгандай бироз сукут сақлади. Рўпарасидаги кишининг умид билан боқиб турган кўзларига қараганча, бош тебратди. Бу пайтда отахон ўғлининг айтган гапларини ҳаёлдан ўтказиш билан банд эди: "Келиннингиз экспертизадан ўтибди. Эксперт мен шундай қилиб ёзаманки, урган одам қамалиб кетади, деб айтган экан. Сиз бориб шуни аниқланг, ноҳақ экспертиза хулосаси ёзиб бермасин, мен ассосиз жавобгар бўлиб кетмай". Ўғил айнан шундай деган эди. Аммо эксперт Фахридин Умаров бошқачароқ гап қилди. Ҳеч қандай истихола қилиб ўтирмай, отанинг юрагини тўғридан-тўғри нишонга олди. "Ўғлингиз қамалиб кетади", дейиш салмоқсиздай туюлди унга ва бироз сукутдан кейин: "Ўғлингизни қамокда чиритаман", деди. Экспертнинг пўписаси отанинг кўксини тешиб ўтгандай бўлди. Аммо ҳали гап тугамаганди. Фахридин Умаров давом этди: "Агар 500 минг сўм берсангиз, тўғри-ла бераман. Ўғлингизга ҳеч нарса бўлмайди. Экспертиза хулосасини шундай ёзаманки, милиция ҳам, суд ҳам ҳеч нарса қилмайди".

Ота эътироз билдирди: "Ўғлим келинни аслида урмаган, унинг ҳеч қандай тан жароҳати йўқ. Мен нима сабабдан сизга пул беришим керак?"

Эксперт 500 минг сўм эвазига ҳамма: ички ишлар бўлимини, тергов гуруҳини, суд ҳайъатини ва халқни алдамқочи эди. У 2002 йилдан буён вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси морфология бўлимини мудири лавозимидда ишлар, ўтган йиллар давомида эрхотин, қайнота-ю қайнона можароларини кўп марта кўрган ва ўзи билганча хулосалар берган эди. "Мен шундай ёзаманки..."

Бу гапдан, албатта, ҳар қандай киши ҳўшёр тортади. Арз қилиб келган одам "Ўзига инсоф берсин-да", деб гапнинг давомини кутди. Гапнинг давоми эса пулга, яъни мансабдорнинг яширин тарзда олишми мўлжалланган, ноқонуний мулкди даромадга бориб тақалади. Бу даромаднинг номи эса пора.

Мулоҳаза учун айтадиган бўлсак, пора жуда қадимий илат. Аммо поранинг номи у қадар узоқ даврларга бориб тақалмайди. Айтайлик, XV асрларда инсондаги бу ёмон илат "ришват" деган сўз билан ифодаланган ва у ҳамма замонларда ҳам халқнинг нафратига дучор бўлган. Чунки порахўр аризмас даражадаги манфаат учун халқ ва давлат мулкига жуда катта зинн етказишдан тоймаган. Бу ҳолатни улўғ бо-

бомиз Алишер Навоий ҳам "Хўша узумким киши ришват деса, қуйдирибон боғни жаннат эса", дея жуда қаттиқ қоралаганлар. Порахўрнинг пора (ришват) учун берилган бир бош узум эвазига жаннатмонанд боғни қуйдириб юборишида ҳеч қандай муболага йўқ. Зеро, эксперт Фахридин Умаровнинг 500 минг сўм учун "Мен шундай ёзаманки..." деб, ҳузурига арз қилиб келган Н.Аҳмедовдан пул талаб қилиши ва бунинг эвазига унинг келини Г.Қодированинг танида ҳеч қандай жароҳат йўқлиги тўғрисида хулоса бермоқчи бўлганлиги юқоридаги фирларнинг нақадар ҳаётий эканлигини кўрсатиб турбди.

Аммо воқеа тафсилотидан кўринадики, Н.Аҳмедов ҳам анойилардан эмасди. Ўғлининг гуноҳи учун пора беришдан аввал унга маслаҳат солади. Шунда ўғли қайсарлик билан "Дада, шунча пулни қаердан оламиз, майли, қамалсам қамалиб кетайин, пул бермаймиз", дейди.

Тўғри, порахўр сўраган 500 минг сўм баъзи оилалар учун аризмас сумамадир, лекин шундай хонадонлар ҳам борки, улар ҳар бир сўмининг қадрига етиб, тежаб-тергаб ишлатадилар. Оиланинг, болаларнинг ризқини беҳудага сочиб ташлавериш жоиз эмаслигини чуқур англайдилар.

Нихоят, эксперт ишни Н.Аҳмедовнинг фойдасига ижобий ҳал қилиб бериш учун 250 мингга рози бўлади. Аммо отахон пулга қаттиқроқ эканми, 13 июль куни вилоят суд-тиббий экспертиза бюросига бориб, Ф.Умаровга учрашади ва унга: "Пул топа олмадим, 50 минг сўм берайин, қолганини аста-секин ойландан тўлайман", дейди. Шунда эксперт Умаров: "Пулнинг бўлмаса нимага келдинг, сешанба куни соат уч яримгача пулни топиб кел, бўлмаса шундай қилиб ёзиб бераманки, бир миллион тўлаб ҳам қутула олмайсан", деб сансираганча бўрилиб кетди. (Қўштирокч ичиде берилган гаплар жаҳланувчи Н.Аҳмедовнинг суддаги кўрсатувида ўзгартирилган, айнан олинди). Шундан кейин бўлган воқеани Н.Аҳмедов бор тафсилоти билан ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ихтиёрига хавола этади. Бу энди қонун-қоидадан маълум даражада тушунадиган, ўзининг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашадиган кишининг ишари эди. Албатта, бундай пайт қонун ҳимоячилари ишни пайсалга солишни ёмон кўришади. Хусусан, инсон ҳақ-ҳуқуқини оёқ ости қилувчи илат — порахўрлик ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати вилоят бошқармасига Қосон тумани Нартиққур маҳалласида яшовчи фуқаро Н.Аҳме-

довнинг аризаси келиб тушиши билан кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида порахўр Ф.Умаров жиноят устида қўлга олинди ҳамда дастлабки тергов ва суд жараёнида унинг айби очиб ташланди.

Маълум бўлишча, Н.Аҳмедовнинг ўғли ва келини ўзаро жанжаллашиб қоладилар. Келин жонидан ўтган эканми, "эрхотининг уриши, дока рўмонининг қуриши", деб ўтирмадан, бу ҳақда Қосон туман ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат этади. Натижада ички ишлар бўлими ходимлари томонидан аризачининг танасидеги жароҳатлар қай даражада эканлигини аниқлаш учун вилоят суд-тиббий экспертиза бюросига мурожаат этадилар. Тўғрироғи, экспертиза тайинлайдилар. Шундан кейин юқорида баён этилган ҳолатлар рўй беради.

Судланувчи Ф.Умаров суддаги кўрсатувида айбига қисман иқдорлик билдириб, қўйидагиларни айтиб беради. У Қосон тумани ИИБ ХООБ МТП профилактика инспектори, майор С.Азимовнинг судга оид тиббий экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги қарорига асосан, 2009 йил 1 июль куни Г.Қодированинг танасини ташқи томондан кўздан кеҳиради ва бу ҳақда воқеа тафсилотларини қўлғизма шаклида ёзиб олади. Орадан 3-4 кун ўтиб (унинг суддаги кўрсатувида қараганда) ёнига Қосон туманида яшовчи Н.Аҳмедов келиб, Г.Қодирова келини бўлишини, шу боис ишларига ёрдам беришини илтимос қилганида, "Ака, майли, келиннингиз масаласи бўйича сизга ёрдам бераман, кўнглингиздан чиқариб атаганингиз бўлса, ташлаб кетарсиз", дейди. Бу гап пора олиш учун айтилган аниқ тама эди. Аммо Ф.Умаров судда ўзининг бу гапини қўйидагича шарҳлайди. Гўёки Н.Аҳмедовга раҳми келган, пора сўрамаган, балки келини шифохонада ётиб даволанган тиббий ҳужжатларни келтириб беришни сўраганини исботлашга уринади.

Хуллас, 2009 йил 15 июль куни соат саккиз яримларда Н.Аҳмедов оқ целлофан халтачага солинган пулни олиб келади ва пакет ичиде пул борлигини маълум қилади. Унинг ҳаракатларидан шубҳаланган эксперт пулни олмасдан, бошқа иш билан вилоят шифохонасига кетиб қолади. Орадан 10-15 дақиқа ўтган, Н.Аҳмедов телефон қилиб, қўтиб ўтиришга вақти йўқлигини айтиди ва тезроқ келишини сўрайди. Шунда Ф.Умаров телефонда Умид исми ёрдамчисига қўнғироқ қилиб, ташқарида бир киши кўтиб турганлиги, у киши ташлаб кетадиган ҳужжатни олиб қолишни тайинлайди.

Ф.Умаров орадан анча вақтнинг ўтказиб, ишхонасига келади. Не қўз билан кўрсинки, Н.Аҳмедов ва туман ИИБ ХООБ МТП профилактика инспектори С.Азимов уни қўтиб туришарди. "Нима ишингиз бор менда?" деб сўраганида Н.Аҳмедов у билан изма-из амбулатория хонасига кириб, оқ пакетни унга тутайди. Кўнглининг бир четини шубҳа кеҳириб турган эксперт уни олмай, қаерга қўйиб кетиш кераклигини кўрсатади ва шубҳаланган атрофга қаради. Эшикдан кириб келётган нотаниш кишилари кўриб, қўриб кетади ва қочиб

Баҳриддин ҚАРОРОВ,
Бош прокуратура бошқарма
прокурори
Азамат МИРЗАЕВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

қўчага чиқади. Вазият қалтислигини англаб, Тошкент томон йўл олади. Ўша йили (2009 йил) 15 июлдан соғлиғи ёмонлашиб, Тошкент шаҳридаги турли шифохоналарда ётиб, даволанади. Сўнгра қилмишидан пушаймон бўлиб, 2012 йил 10 январь куни ўзини тергов органи қўлига топширади.

Эксперт Ф.Умаров яна бир масалада янгилашган эди. Ўз вазифасида ишлаб юрган даврида бюро бошлиғи У.Норбоев томонидан унга Ш.Турдиевнинг тан жароҳатлари юзасидан экспертиза текшируви ўтказиш вазифаси топширилади. 2009 йил 22 апрелда текширув ўтказилади. Бунда Ш.Турдиевнинг сўзларидан ва унинг номига юритилган касалик тарихидан фойдаланади. Ш.Турдиев гарчи 22 апрель куни текширувга келган бўлса-да, аслида воқеа 10 апрелда бўлиб ўтгани, шифохонада 12 апрелдан ётиб, 5 кун даволанганини баён қилади. Бир қанча "текшир-текшир"лардан кейин Ф.Умаров "25-У" сонли экспертиза хулосасини расмийлаштириб, 10 апрель куни жанжал пайтида тан жароҳати олган Ш.Турдиевга бош мия чайқалиши йўқ, деб ёзиб беради. Ваҳоланки, шифохонада ётганда баданнинг турли даражада шилинган, бош мия чайқалиши, қўрак, ички елка, чап сон соҳасида жароҳатлар борлиги аниқланган ва шундай, деб тахсис қўйилган эди. Судда Ф.Умаров "Бош мия чайқалиши йўқ", деб ёзиб бериб, Ш.Турдиевнинг тан жароҳатлари ҳусусияти ва оғирлик даражаси бўйича асослантирилмаган "25-У" нотўғри эксперт хулосасини расмийлаштиради. Натижада фуқаро Ш.Турдиев эксперт Ф.Умаровнинг мажкур хулосасидан норози бўлиб, 2009 йил 18 май куни Қарши тумани ИИБ бошлиғи номига қайта экспертизадан ўтишга рухсат беришни сўраб, ариза билан мурожаат этади. Аризага қўра, Ш.Турдиевнинг жароҳатлари комиссия тартибда қайта экспертиза қилинади ва "38-қайта" хулосасида ҳақиқий аҳвол аниқлаб берилади. Вилоятнинг малакали экспертлари хулосасига қўра, Ш.Турдиевда миянинг ёпиқ шикастланиши ва бош миянинг чайқалиши борлиги тасдиқланади.

Судланувчи Ф.Умаров қоридеги ноқонуний ҳаракатлари билан ЖЖнинг 238-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содиқ қилган эди.

Суд ишга доир тўпланган далиллар ва ҳужжатлар асосида унга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Албатта, Ф.Умаровнинг мансабини, макеини, ишини ва одамгарчиликка ҳос бошқа жиҳатлари пулга алмаштириши ачинарли эди. Судда иштирок этган кишиланинг нигоҳларидаги афсусланиш ифодаси ана шу маънони англайди. Яхши мутоҳассиснинг нафс қутқусига учиб, пора олиши қимми афсуслантирмайди, дейсиз. Ваҳоланки, қонун ҳаммша адолат тарафиде. У ҳеч маҳал алданмайди, алдамайди ва адашмайди.

Ўтказилмаган тендер «Ғолиби»

Вилоятимиз катта қурилиш майдонини эслатади. Нафақат шаҳарлар, қишлоқларда ҳам турар жой бинолари, инфратузилма объеклари барпо этилмоқда. Республика Президентининг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига биноан 2011 йилда вилоятимизда намунали лойиҳалар асосида 675 та уй қуриб битказилиши лозим эди. Қарор ижросини ўрганиш жараёнида уйлarning 18 фойзи фойдаланишга кечикиб топширилгани, 21 фойдан зиёди эса қуриб битказилмагани аниқланди. Зиммасига олган мажбуриятларини бажармаган, сарф-харажатларини ошириб кўрсатиш, қўшиб ёзиш билан давлат маблағларини талон-торож қилган пудратчи ташкилотларнинг, бунга йўл қўйган буюртмачи "Қишлоққурилишнинг" ИШИК Фарғона филиалининг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Тергов мобайнида қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов ҳужжати қўзғатилганда, қўзғатилган расмийлаштириш қўйилгани каби ҳолатлар аён бўлди. Аслида ўтказилмаган "тендер"да қатнашиб, "ғолиб" топилганлардан бири — "ХМКК-558" масъуляти чекланган жамияти қошидаги "Суверент бинокор" унитар корхонаси Учкўприк туманининг Машада қишлоғида 3 та, Муллазор қишлоғида 2 та тўрт хонали уйлarnи 2011 йилнинг июль ойида фойдаланишга топшириш лозим эди. Буюртмачи — "Қишлоққурилишнинг" вилоят филиалининг танловни ўтказишга масъул шахслари пудратчи қурилиш ташкилоти танловга тақдим этган ҳужжатларини, унинг асл имкониятларини ўрганиш лозим топилмади. Шу тариқа имкониятлари шубҳали қурилиш ташкилоти билан шартномалар тузилиб, ҳисоб рақамига аванс тариқасида маблағ ўтказиб берилди.

Пудратчи сифатида танланган корхонанинг норасмий, асл раҳбари Қажрамонжон Холдоров 1998 йилда Тошкент вилояти Паркент туманида "ХМКК-

558" МЧЖни ташкил қилиб, "Универсалбанк" Кўкон филиалида ҳисоб рақамини очди. 2009 йилда МЧЖ қошида "Суверент бинокор" унитар корхонасини ташкил этиб, унга расман Кўкон шаҳрида яшовчи Манзураҳон Хайдаровани бошлиқ этиб тайинлади. 2011 йилнинг 1 июлидан 1 ноябрга қадар эса корхонага жияни Муроджон Юнусов раҳбарлик қилади. Улар расман раҳбар бўлсаларда, аслида ҳамма ишлар муқаддам судланган Қ.Холдоровнинг ўзи бошқаради.

Қ.Холдоров фаолиятини тўхтатган "ХМКК-558" МЧЖнинг раҳбари сифатида ғайриқонуний ишларга қўл ургани учун судланган. Жиноят ишлари бўйича Паркент туман судининг 2011 йил 21 июнь кунги ҳукми билан унга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда 3 йил ахлоқ туза-тиш ишлари жазоси тайинланади. Аммо Қ.Холдоров суд ҳукмини инкор этган ҳолда, МЧЖ қошида ўзи ташкил этган "Суверент бинокор" унитар корхонасига норасмий раҳбарлик қилаверади. Корхона-

нинг расмий раҳбари Россияга ишлагани кетган жияни номидан ҳужжатларга, ҳисоб-ботларга имзо чекаверади.

Биронта қурилиш техникасига, мунтазам ишловчи қурувчиларга эга бўлмаган корхона аслида ўтказилмаган "тендер"нинг "ғолиби" сифатида Учкўприк туманининг Муллазор ва Машада қишлоқларида жами қиймати 358 млн. 200 минг сўмлик 5 та уйни қуришга киришади. Буюртмачи билан шартномага кўра, уйлар 2011 йил июль ойида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган эди. Бироқ, июль ойида уйлarning пойдевори қўйилди, ҳолос. Пудратчининг сўрови билан уларни фойдаланишга топшириш мuddати 2011 йил сентябр ойига узайтирилди. Аммо ортага сурилган мuddатда ҳам биронта уй қуриб битказилмади. Шунга қарамай, Қ.Холдоров 2011 йил 28 август санаси билан 264 млн. 281 минг сўмлик бажарилган ишларга тўловни амалга ошириш учун ҳисоб варақаларини буюртмачига тақдим этди. Ҳисоб-фактураларга биноан унитар корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамига гўё бажарилган ишлар қий-

матидаги маблағ ўтказиб берилди. Бироқ, жиноят иши қўзғатилгач, қайта ўтказилган ўлчовларда 130,2 млн. сўмлик аслида бажарилмаган ишлар қўшиб ёзилгани аниқланди.

— Қишлоқ жойларда уй қуриш бўйича вилоят тендер комиссияси йиғилишида мен ёки ўша пайтдаги корхона раҳбари ҳисобланган Манзураҳон Хайдарова қатнашмаганми, — дейди судланувчи Қ.Холдоров. — Танлов, тендер умуман ўтказилмаган. "Қишлоққурилишнинг" вилоят филиалига тендерда қатнашиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаб топширганми. Ўтказилмаган тендер "ғолиби" сифатида Учкўприк туманининг Машада ва Муллазор қишлоқларида 5 та тўрт хонали уйлarnи қуриш ҳақида шартномалар тузганми. Уйлarning қуриб битказилиши 358,2 млн. сўмга баҳоланган. 2011 йил июль ойига қадар фойдаланишга топшириш белгиланган. Лекин бизнинг корхона бириктирилган Учкўприкдаги гишт заводи гишт чиқармас экан. Ана шу муаммо тўғрисида қурилиш орта сурилган. Уйлarnи сентябрь ойида битказишга келишганми. Лекин ўша пайтда ҳам биронта уй битмаган. Иккитасининг девори кўтарилган, томи ёпилган, 3 тасида сувоқ ишлари бажарилаётган. Уйлarnи қуриб битказиш мuddати 2012 йилнинг апрель ойига узайтирилган. Бажарилган ишлар ҳажмини ҳисоблаб, тўлов учун тақдим этган ҳисоб-фактуралар бўйича корхона ҳисоб рақамига ўтган йил август ойи охирига-

Зоҳиджон МАМАЖОНОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи

ча 272 млн. сўм маблағ ўтказиб берилган. Мен 264 млн. сўмлик иш бажарилгани ҳақида "шакл-3" тўлов ҳужжатини тақдим қилганман. Бажарилган ишларни буюртмачининг вакили Аҳмад ака Мамажонов текшириб қўриб, қабул қилиб олган. Прокуратура топшириғи билан ўтказилган ўлчовда бешта уйда бажарилган ишлар қиймати 130 млн. сўм қўшиб ёзилгани аниқланди. Ҳақиқатда ҳам бажарилмаган ишлар қўшиб ёзилганини тан оламан. Бунинг сабаби, қурилиш материаллари харид қилиш, ишчилар билан ҳисоб-китоб қилишга маблағим йўқ эди. Қўшимча олинган пул ҳисобидан уйлarnи тўлиқ қуриб, битказмоқчи эдим. Тўловга тақдим этилган ҳужжатларни ўзим сохталаштирганман. Бундан корхонанинг собиқ раҳбарлари М.Хайдарова ва М.Юнусов, бош ҳисобчи Х.Толиповларнинг хабари бўлмаган.

Ўзининг инкорлигидан ташқари, Қ.Холдоровнинг айби гувоҳларнинг кўрсатмалари, ҳужжатли далиллар билан ҳам тўлиқ исботланиб, қонунда кўзда тутилган жазога тортилди. Ўшбу жиноятнинг содир этилишига шарт-шароит яратиб берган буюртмачи ташкилотнинг мансабдор шахсларига нисбатан алоҳида жиноят иши қўзғатилди. Улар ҳам қилмишларига яраша жазоланишади.

Чирчиқ шаҳар "Марказий деҳқон бозори"да 1,5 литр ҳажмли идиш кўтарган Айсулу кўзлари олазарак бўлиб, ўтган-кетганларга паст овозда "Спирт, бор, спирт", дея мурожаат қиларди. Бироз ўтиб, унинг қаршисида тўхтаган йигит ўзини Фурқат, деб таништирди-да, савдолаша бошлади.

Спирт бор, спирт...

Абдурашид НУМАНОВ,

СВОЖЖДЛКК Департаментининг Чирчиқ шаҳар бўлими суриштирувчиси

— Неча пулдан сотаяспиз буни? — у шундай дея Айсулунинг қўлидаги идишга ишора қилди.

— Идиши ўн олти мингдан бўлапти.

Фурқат кўп савдолашиб ўтирмай, 16 минг сўмни Айсулунинг қўлига тутқазди.

— Аслида менга кўпроқ спирт керак эди. Шунини иложи борми?

— Қанча керак сизга ўзи?

Фурқат қўлидаги 1,5 литрли идишга ишора қилиб, сўз қотди.

— Шундан 80 та керак. Уч кун ичида топиб бера оласизми?

— Ҳа, — дея бошини силкитди Айсулу. — Таниш-билишларимдан бўлсам, топиб бераман. Фақат шу нархда бўлади.

— Яхши, мен розиман. Бўлмаса 23 март кунни қўришамиз, — дея харидор зумда одамлар орасига қўшилиб, кўздан ғойиб бўлди.

Айсулу вақтни зое кетказмай, таниши Аскарга кўнгирок қилиб, "оптом" оладиган харидор чиқиб қолганлигини, шу сабабли 2-3 кунда 120 литр спирт топиши кераклигини, агар иложи бўлса, ёрдам қилиб туришини илтимос қилди.

— Айни дамда менда ҳам бунча спирт йўқ, — телефондан Аскарнинг ўйчанроқ овози эшитилди. — Лекин иложини топса бўлади. Шеригим Нуржан билан гаплашиб кўрай-чи?!

— Илтимос, шеригингиздан бўлсам топиб бериб туринг. Мен "клиент"ни ишонтириб қўйдим-да.

— Хавотир олмаг, 120 литр спирт анқонинг уруғи эмас-ку.

Улар ўзаро келишиб олишди. Уч кундан сўнг Айсулу харидор билан учрашиб, уни "заказ" қилинган молларни олиб бериш учун Аскар билан Нуржанинг олдида бошлаб борди. Чирчиқ шаҳрининг А.Навоий кўчасидаги "Кимёгар" ва "Зером" меҳмонхоналари олдида сотувчилар Козогистон Республикасида ишлаб чиқарилган, 80 донга елим идишдаги 120 литр спиртни Фурқат Номозовга 1 млн. 280 минг сўмга сотаётган варақларида СВОЖЖДЛКК Департаментининг Чирчиқ шаҳар бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди.

Шу тариқа спиртфурушларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилиб, суд томонидан уларнинг ҳар бирига тегишли жазо тайинланди.

Маъруфжон Раҳимжонов Поп тумани, "Келачик" қишлоғи ҳудудига эски ишламай ётган гишт заводини қайта тиклаш ва юртиш мақсадида туман ҳокимлигига мурожаат қилди. Тўғрисида, ҳукуматимиз томонидан талбиркорлик қиламан, ишлаб чиқариш қўламини ўзининг ҳиссамини қўшаман, де-ганларга шунча имкониятлар, қўлайликлар яратиб берилган бир пайтда, шундоққина ёнгинасида ишламай ётган заводни "оёққа турғизса" ёмонми?!

Хокимлик вакиллари ҳам унинг ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Мутахассислар ўрганиб чиққач, туман ҳокимининг ер танлаш ҳақидаги қарори чиқарилди.

— Ер майдони акратиси бўйича туман ҳокимлиги комиссияси аъзоси, туман табиати муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи Дониёр Ортиқовга учрайсиз, — дейишди унга.

Унга ўқтирилари, амалдаги қонунчилигимизга кўра, ер майдони акратиси учун аввало экологик лойиҳа ишлаб чиқиш лозим экан. Сўнгра ушбу лойиҳа тавсиянома асосида экологик экспертизадан ўтказиладди. Экологик экспертиза ҳулоса бергач, шунга кўра ер майдони акратиси ҳақидаги далолатнома имзоланиши мумкин.

М.Раҳимжонов туман табиати муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи Дониёр Ортиқовга бориб учраганда, у шунини яна қайта тушунтирар экан, қўшиб қўйди:

— "Калонов Абдусаттор" хусусий корхонаси билан шартнома тузиб, "Атроф-муҳитга ўтказадиган таъсир баёнотномаси лойиҳаси" тайёрлаш керак.

М.Раҳимжонов 2012 йил 3 январь кунини ўғли билан бирга айтилган хусусий корхонага бориб, шартнома тузди. Унда биринчи томон 2 млн. 200 минг сўм эвазига "Хом гишт ишлаб чиқариш ва ер усти ҳудудларини пишириш цехи қурилиши ҳамда тўпроқ ҳавзаси" объектига хусусий корхона томонидан "Атроф-муҳитга ўтказадиган таъсир баёнотномаси лойиҳаси" тайёрлагани, иккинчи томон эса, шартномада кўрсатилган маблағ тўлаши қайд этилди. Шартнома шартлари бажарилгач, буюртмачи айтилган маблағни ўтказиб берди, ижрочи эса лойиҳани тайёрлади. Шундан сўнг М.Раҳимжонов яна Д.Ортиқовнинг қабулига кирди.

Тамагир

Бекзод МИРЗААХМЕДОВ,
СВОЖЖДЛКК Департаментининг Наманган вилоят бошқармаси бўлими бошлиғи ўринбосари

— Ака, айтганингиздек, лойиҳа тайёр бўлди. Уни давлат экологик экспертизасидан ўтказиш учун тавсиянома ёзиб беришингиз керак экан, — деди умидвор оҳангда. Бунга жавобан Д.Ортиқов бош иргаб қўйди. Аммо бошиданок шу иш ортидан "бир нималик" бўлиб қолишни кўнглидан ўтказган, ҳозир ҳам шундан умидвор эди. У лойиҳа ҳужжатларини кўздан кечирар экан, тунд қиёфада сўз қотди:

— Ҳужжатларнинг камчилиги бор, лойиҳачининг ўзи келсин, ўша билан гаплашаман...

Тайинки, М.Раҳимжонов бор неча марта келиб, Д.Ортиқовдан тавсиянома ололмагач, бу гапни "Калонов Абдусаттор" хусусий корхонаси раҳбари А.Калоновга етказди.

— Ака, бунакамас-да, — А.Калонов Д.Ортиқовнинг хонасига кириб борар экан, ўзинча ҳазиллашган бўлди. — Шу гишт заводни ишлатиб юборайлик, десак, ҳужжатларда камчилик бор, дебсиз?

— Ҳа, энди... — Д.Ортиқов аввалига кўнглидаги айти олмай, тараддулданди. Кейин очини айтиб қўя қолди: — Биласиз, менинг тиркичилигим шундан... Ўша тавсиянома учун 400 минг сўм беринглар-у, олиб кетаверинглар, маъқулми?

Бу гапни эшитган А.Калонов нима дейишни билмай қолди. Қаршисидаги нафс нағмасига ўйнаётган кишига эътироз қилиш учун оғиз жуфтлади. Аммо унинг қиёфасидан "Пулсиз ишингизни битириб бермайман", деган маънони ўқди.

А.Калонов айтилган пулни топиш учун таниш-билишлардан сўроқлаб қўрди. Топа олмагач...

Д.Ортиқов ўз хизмат хонасида А.Калоновдан 100 АҚШ доллари ва 120 минг сўм пулни пора сифатида олаётганда қўлга олинди.

Шунга айтсалар керак-да, олмоқнинг бермоғи бор, деб. Энди Д.Ортиқов олган пораси эвазига 7 йиллик умрини симтўрлар ортида ўтказишига тўғри келади. Эссиз умр...

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ
ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!

Бизнес доирангизни кенгайтириш имкониятлари бор!



Агробанк мижозига
айланг ва халқаро иқтисодий
муносабатларингизни кенгайтиринг

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

«ҚАШҚАДАРЁ КИМ ОШИД САВДО» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ «АУКЦИОН» САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2012 йилнинг 16 октябры куни соат 10:00 дан бошлаб «Қашқадарё ким ошди савдо» МЧЖ офиси биносига аукцион комиссияси иштирокида, объектининг бошлангич баҳосини ошариш тартибиди ўтказилаётган очик аукцион савдосига қўйидаги автомобилларнинг сотилари қўйлади:

1. Қашқадарё вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасига қарашли, «УАЗ-330301» русумли давлат рақами 18 АР 176 автомашини. Техник ҳолати носоз. Бошлангич нархи — 1 563 000 сўм.

4. Қарши қўрилиш-таъмирлаш корхонасига қарашли, «ГАЗ-СА3-4509» русумли давлат рақами 18 АА 108 автомашини. 1994 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич нархи — 706 000 сўм.

Жанубий-ғарбий магистрал электр тармоқлари корхонасига қарашли:

2. «ИЖ-2715» русумли давлат рақами 70 291 ГАЗ автомашини. 1987 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич нархи — 776 000 сўм.

3. «МАТІЗ» русумли давлат рақами 18 КV 221 автомашини. 2003 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич нархи — 3 340 000 сўм.

ТИФ Миллий банк Қашқадарё вилоят бўлимига қарашли:

5. «УАЗ-31514» русумли давлат рақами 18 АР 032 автомашини. 1995 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич баҳоси — 2 919 000 сўм.

6. «ГАЗ-31029» русумли давлат рақами 18 АГ 200 автомашини. 1995 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич баҳоси — 3 350 000 сўм.

7. «УАЗ-3962» русумли давлат рақами 18 АГ 083 автомашини. 1994 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич баҳоси — 4 255 000 сўм.

8. «УАЗ-31512» русумли давлат рақами 18 АР 031 автомашини. 1994 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич баҳоси — 3 546 000 сўм.

9. «ВАЗ-212130» русумли давлат рақами 18 АИ 752 автомашини. 1994 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич баҳоси — 4 119 000 сўм.

10. «ГАЗ-31029» русумли давлат рақами 18 АИ 751 автомашини. 1995 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич баҳоси — 2 808 000 сўм.

11. «КамАЗ-53229» русумли давлат рақами 18 АР 808 автомашини. 1999 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич баҳоси —

36 124 000 сўм.

12. «УАЗ-31514» русумли давлат рақами 18 АР 171 автомашини. 1996 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич баҳоси — 8 539 000 сўм.

«Дехқонбод калийли ўғитлар заводи»га қарашли:

13. «ISUZU SAZ NQR 71PL» русумли давлат рақами 70 829 JAA автомашини. 2010 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич баҳоси — 96 857 000 сўм.

14. «DAMAS» русумли давлат рақами 70 971 FAA автомашини. 2010 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич баҳоси — 14 975 000 сўм.

15. «DAMAS» русумли давлат рақами 18 АИ 793 автомашини. 2007 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич баҳоси — 6 418 000 сўм.

16. «DAMAS» русумли давлат рақами 18 АИ 791 автомашини. 2007 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич баҳоси — 5 348 000 сўм.

17. «Агробанк» ОАТБ Қашқадарё вилоят бошқармасига қарашли, «NEXIA» русумли давлат рақами 70 195 МАА автомашини. 2006 йилда ишлаб чиқарилган. Техник ҳолати носоз. Бошлангич баҳоси — 9 680 000 сўм.

Очиқ «Аукцион» савдосига қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача «Қашқадарё ким ошди савдо» МЧЖ офиси биносига қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш савдодан 1 (бир) кун олдин тўхтатилади. Ушбу қўйидаги савдода сотилма қўлган объектларнинг такрорий аукцион савдолари 2012 йил 23 ва 30 октябры кунлари соат 10:00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Заказал пули тўлаш учун рекузитлар»га асосан савдога қўйилган мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдорига заказал пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона низоми ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим қилишлари шарт.

Заказал пулини тўлаш учун рекузитлар: «Қашқадарё ким ошди савдо» МЧЖ, АТИБ «Ипотек» банк» Қашқадарё вилоят филиали, МФО 00190, ҳисоб рақами 2020800054396266001, СТИР 205560394. Манзил: Қарши шаҳри, 4-митти туман. Муҳалат: «Зангори экран» устaxonаси.

Телефон: +998 95 505-08-99, +998 95 506-08-99.

Гувоҳнома № 1665

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитаси Қашқадарё вилоят хўдудий бошқармаси тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш оммавий оферта йўли билан давлат активларини сотиш савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитаси Қашқадарё вилоят хўдудий бошқармаси тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш оммавий оферта йўли билан давлат активларини сотиш савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 12 августдаги 233-сонли қарорига асосан сотилиши белгиланган Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, Насаф кўчаси 49-уй манзилида жойлашган «Қарши универсал улгуржи савдо базаси» масъулияти чекланган жамиятининг 25 фоиз давлат улуши Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сонли қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган Низомга ва Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш Давлат комиссиясининг 2011 йил 20 март куни тасдиқланган 1-сонли йиғилиш баёнига мувофиқ оммавий оферта савдосига чиқарилаётган.

Сотиш учун таклиф қилинаётган давлат активининг тавсифи ва олди-сотди шартномалари тузиш шартлари:

Жамиятининг умумий ер майдони 28000,0 м², шундан бино ва иншоотлар ҳамда бошқа қурилмаларнинг умумий ва фойдали майдони 8588,7 м².

Жамиятининг устав фонди 47 510 000 сўмни ташкил этиб, устав фондига нисбатан 25 фоиз улушининг номинал қиймати 11 877 500 сўмни ташкил этади.

«Қарши универсал улгуржи савдо базаси» масъулияти чекланган жамиятининг 25 фоиз давлат улушига 391 709 368 (уч юз тўқсон бир миллион етти юз тўққиз миң уч юз олти миң саккиз) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

Музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва манзили: Музокаралар 2012 йилнинг 17 октябры куни соат 9:00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, А.Темур кўчаси 43-уйда, Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитаси Қашқадарё вилоят хўдудий бошқармасининг мажлислар залида ўтказилади.

Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш санаси ва вақти: 2012 йил 17 сентябры кундан (бир ой давомиди ҳар ҳафта душанбадан жума кунига қадар соат 9:00 дан бош-

лаб 18:00 гача) 2012 йил 16 октябры куни соат 18:00 гача.

Оммавий оферта савдоларига қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг оммавий оферта савдосига қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— Сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйилган давлат активи бошлангич нархининг 15 фоизи миқдориди заказал тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

— оммавий оферта савдоси ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қўйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган талабгор таклифлари:

1. Сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

— Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Сотувчининг манзили: 180112, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри А.Темур кўчаси 43-уй.

Алоқа телефонлари: (8375) 225-03-11, 225-02-48, факс: 225-02-51.

E-mail: gkikashkadarya@mail.ru Маскур давлат активини савдога қўйилиши юзасидан аввалги берилган эълонлар бекор деб ҳисобланади.

Оммавий савдолар ўтказилиши жараёнида қонунбузилиш ва тамағирлик ҳолатлари ҳамда қонунчи аралашувлар кузатиладиган ҳолларда Давлат мулк қўмитасининг (+99871) 259-21-78, 259-21-14 рақамларига мурожаат қилишингизни маълум қиламиз!

Ҳурматли тадбиркорлар!

Сизнинг иш фаолиятингизга Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ҳодимлари томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиручи Республика кенгаши ёки унинг хўдудий комиссияларининг руксатисиз, тегишли ҳужжатларсиз қонунчи аралашувларга йўл қўйиш, ўз хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳамда бошқа қонунга зид хатти-ҳаракатларга йўл қўйилганда зудлик билан ЎЗР ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ва унинг хўдудий бошқармаларига қўйидаги ишонч телефонлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

ЎЗР ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси —

8-371-234-01-09

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЁХБ	8-361-223-19-86
Андижон вилояти ИИБ ЁХБ	8-374-222-21-73
Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ	8-365-222-82-85
Жиззах вилояти ИИБ ЁХБ	8-372-223-56-10
Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ	8-375-221-14-64
Навоий вилояти ИИБ ЁХБ	8-436-770-25-73
Наманган вилояти ИИБ ЁХБ	8-369-226-31-38
Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБ	8-366-233-51-00
Сурхондарё вилояти ИИБ ЁХБ	8-376-223-21-81
Сирдарё вилояти ИИБ ЁХБ	8-367-225-08-58
Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ	8-371-261-64-36
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ	8-371-234-50-98
Фарғона вилояти ИИБ ЁХБ	8-373-224-87-15
Хоразм вилояти ИИБ ЁХБ	8-362-227-24-11

Изоҳ: Бугунги кунда Тошкент шаҳрида содир бўлган ёнғинлар тўғрисида хабар бериш учун "01" рақами ўрнига "101" рақамига кўнғироқ қилиш керак.

Республиканинг бошқа минтақаларида ёнғинлар тўғрисида хабарларни қабул қилиш учун аҳоли пунктларининг телефон тармоқларида ягона рақам "01" ўрнатилган.

Уяли телефонлар орқали "01" рақамига минтақаларда содир бўлган ёнғинлар тўғрисида хабарларни бериш қўйидаги тартибда амалга оширилади.

"Ucell" — 010

"Beeline" — #01

"Perfectum" — 01

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси

Бахтиёр юрт фарзандлари

/Давоми.
Бошланиши
4-бетда/

Уларга барчанинг ҳаваси келсин

Касб-хунар коллежи битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида прокурор назорати кучайтирилиб, бу ҳақда берилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги юзасидан мунтазам текширишлар ўтказилиб, битирувчиларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Масалан, Пахтакор туман прокуратураси томонидан касб-хунар коллежи битирувчиларининг ишга жойлаштирилиши ҳақидаги маълумотлар ҳаққонийлиги юзасидан текшириш ўтказилганда, туман қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежининг 81 нафар битирувчиси ишга жойлаштирилганлиги ҳақидаги маълумот нотўғри бўлиб, 6 нафар битирувчи амалда ишламаётганлиги аниқланган. Жумладан, ушбу касб-хунар коллежи битирувчилари Б.Синдарова, К.Мамаражабов, П.Абдуллаева, Т.Нишонов, Д.Тошпўлатова ва С.Синдаровлар туман почта алоқа тармоғига хабарчи вазифасига ишга қабул қилинганлиги ҳақида буйруқ ва меҳнат дафтарчалари нусхалари тақдим қилинган. Амалда бу битирувчилар ишга қабул қилинмасдан расмийлик учун буйруқ чиқарилиб, нусхаси берилганлиги аниқланган. Шу сабабли туман прокуратураси томонидан почта алоқа тармоғи бошлиги ва ходимлар бўлими бошлиғига нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилиб, битирувчиларни иш билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Касб-хунар коллежларида ўқувчилар учун шароитлар яратилиши, коллеж ўқувчиларининг дарсларга, ўқув машғулотлари ҳамда ишлаб чиқариш амалиётига тўлиқ қатнашишларини таъминлаш борасида назорат тадбирлари ўтказилмоқда. Хусусан, Арнасой туман прокуратураси томонидан касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ўқув машғулотлари ҳамда ишлаб чиқариш амалиётига мунтазам қатнашишларининг таъминланиши устидан назорат тадбирлари ўтказилганда, транспорт ва саноат касб-хунар коллежи "Транспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш" йўналиши гуруҳи ўқитувчиси Ф.Эгамқулов ўғли, ушбу гуруҳнинг 3-босқич ўқувчиси А.Оқилбековни шу йил март ойида ишлаш учун Россия Федерациясига юборганлиги аниқланди. Ф.Эгамқуловга нисбатан интизомий жавобгарликка оид иш қўзғатилди.

Булардан ташқари, тумандаги информатика ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг "Автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш ва таъмирлаш" йўналиши 3-босқич ўқувчилари О.Алижонов ва Н.Алижоновлар мунтазам тарзда дарс машғулотларига қатнашмаган. Гуруҳ раҳбари У.Абдуллаев томонидан дарс машғулотларига мунтазам қатнашмаган ўқувчиларни "Урта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқинишни кўчириш, қайта тиклаш ва ўқувчилар сафидан чиқариш тўғрисида"ги Низом талаблари асосида ўқувчилар сафидан чиқариш масаласи кўйилмаганлиги натижасида айрим фан ўқитувчилари томонидан дарс машғулотларига қатнашмаган ушбу ўқувчиларга баҳолар қўйилган.

Бундай ҳолатларда йўл қўйган коллеж ўқитувчилари У.Абдуллаев, И.Султонова, М.Мухаммедов, Э.Намозов ва С.Бўлишевларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди.

Пахтакор туман хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг "хуқуқшунослик" йўналиши ўқувчиси И.Хошимбеков 2012 йил 2 майдан 30 май кунига қадар ишлаб чиқариш амалиётида қатнашиши лозим бўлган бўлса-да, амалиёт машғулотларига қатнашмасдан, Тошкент шаҳрига бориб, қурилиш ишларида ишлаб юрган. Ўқувчи ИИБ ходимлари томонидан ушланиб, вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилган. Туман прокуратураси томонидан коллежининг ушбу гуруҳ раҳбари И.Холиков ўқувчининг қаровсиз қолишига йўл қўйганлиги сабабли интизомий жавобгарлик тўғрисида, ўқувчининг отаси О.Қаршибоевга нисбатан фарзандига таълим-тарбия бериш борасидаги мажбуриятини бажармаганлиги учун маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Жиззах вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда Ғаллаорол қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежида ўқувчилар учун ўқиш шароитлари яратилмаганлиги, ўқув хоналари керакли жиҳозлар билан таъминланмасдан, ажратилган бюджет маблағлари талон-торож қилинганлиги аниқланди. Жумладан, ушбу коллеж қурилиб, тайёр ҳолда фойдаланишга топширилиши ҳақида 2008 йил 30 октябрда вилоят ҳўқимлиги ағона буюртмачи хизмати "Инжиниринг компанияси" билан "DREAM-FY" кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ўртасида пудрат шартномаси тузилган. Шартномага асосан буюртмачи томонидан "DREAM-FY" кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш фирмасига ушбу коллеж қурилиши ва жиҳозланиши учун 2 млрд. 029 млн. 640 минг 319 сўм маблағ тўлиқ ўтказиб берилган. Аммо "DREAM-FY" кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Б.Ҳайтов ва бошқалар томонидан 2009 йил 1 августда коллежга етказиб берилиши лозим бўлган 5 млн. 936 минг сўмлик 55 дона икки ўринли ўқувчилар столи, 4 млн. 403 минг сўмлик 170 дона ўқувчилар стули, 2 млн. 772 минг сўмлик 84 дона ярим юмшоқ стули, 812,7 минг сўмлик 6 дона ўқитувчилар столи ва бошқа шу каби жами 17 млн. 399 минг сўмлик товар-моддий бойликлари коллежга келтирилмасдан талон-торож қилинган. "DREAM-FY" кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Б.Ҳайтов ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.



Ҳурматли юртдошлар!

"Асака" банки (ОАЖ) Сизларга қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади!
"Мустақиллик 2012"

Сақланиш муددати — 12 ой.

Ҳисобланган фойзалар олинган ёки омонат ёпилгандан (12 ойдан) сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун: "Асака" банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:

120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Кўкон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

"Асака" банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларнинг Фўқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эғали ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Хизматлар лицензияланган.

«EFFECT REAL GROUP» масъулияти чекланган жамият томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида Қувасой шаҳрида ўтказилган очик «ким ошди» натижалари.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг тавсифи	Ер участкаси жойлашган манзил ва контури	Ер участкасининг бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилган баҳоси (сўм)
Якка тартибда уй-жой қуриш ва деҳқончилик ҳўжалигини юритиш учун 15 та ер участкаси	"Исфайрамсой" ҚФЙ ҳудуди 339-сонли контур	936 000	1 504 000
Якка тартибда уй-жой қуриш ва деҳқончилик ҳўжалигини юритиш учун 1 та ер участкаси	"Шифокорлар" қўчаси ҳудуди 49-сонли контур	936 000	1 504 000
Якка тартибда уй-жой қуриш ва деҳқончилик ҳўжалигини юритиш учун 1 та ер участкаси	"Пакана" ҚФЙ ҳудуди 252-сонли контур	936 000	1 504 000
Якка тартибда уй-жой қуриш ва деҳқончилик ҳўжалигини юритиш учун 1 та ер участкаси	"Суфон" ҚФЙ ҳудуди 756-сонли контур	936 000	1 504 000

"EFFECT REAL GROUP" МЧЖ.
Фарғона шаҳар Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй, 21-хона.
Тел. + 99895 404 54 84. Лицензия RR 0094.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти жамоаси Департамент катта инспектори Бахрон Хусайновга падари бузруквор

БАГИР отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Huquq

юрдик газета

Муассис:
О'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy G'OIPOV
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Shavkat YODGOROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

233-10-53

Faks: 233-10-53,

233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yozmalar taqiriz qilinmaydi va egalari qaytarilmaydi.
Musilif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma № 5337. 46 182 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligida 2009-yil
12-oktabrda 0188-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7417

